



Газета 1930 йил 12 майдан
чиқа бошлаган

ИЮН

СИДДИҚ

ГА

Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2002 йил 4 июль, пайшанба • 27 (3451)-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ 2002 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш түғрисида

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида:

1. 2002 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўкув юртлари талабаларининг, ўрга маҳсус, касб-хунар билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,15 баравар оширилсин.

2. 2002 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси худудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 4535 сўм;
ёшга доир пенсиялар – ойига 8970 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд – ойига 4535 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 8970 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатта лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа – ойига 5435 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устами ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалик оиласаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгилangan бошқа тўловлар 2002 йил 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгилangan энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирлар, идоралар, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ва муассасалар билан биргаликда мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиқсан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишина таъминласинлар.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларини оширилиши билан боғлиқ ҳаражатлар республика Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат сарфини камайтириш ҳисобидан белгилangan тартибида 2002 йил 1 августидан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгилangan энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ оширилсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 26 марта ПФ-3045-сон Фармони ўз кучини ўйғотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 1 июль.

2002 ЙИЛ – ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ



Ўзбекистон Республикаси ИИВ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази мамлакатимиз ички ишлар идораларида кўп йиллар ишлаб, эл тинчлиги ва осо-ишишталигини таъминлашга муносаб ҳисса кўшган, айни пайтда кексаллик гаштини суроёттан фахрийларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан пухта режа белгилangan. Унга кўра кам таъминланган оиласаларни йўқлаш, ёрдамга муҳтоҷ, ногирон ва беморлар ҳолидан хабар олиш аньана-га айланган. Уларга “Ўзбекистон ИИВ фахрийси” хайрия жамғармаси томонидан моддий ёрдам кўрсатилаётгани ана шу ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Марказ фаоллари байрамлар ва таваллуд топган кунларда хонадонларга ташриф буориб, кексаларимиз ва уларнинг оила-съозлари кўнглини шод этишмоқда. Бу борадаги хайрли ишлар республика Ички ишлар вазирлиги раҳбариятининг кўрсатмалари ва йўл-йўриклари асосида амалга оширилаяпти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ДАВЛАТ ГЕРБИ



2002 йил 2 июль куни
Ўзбекистоннинг Давлат герби
тасдиқланганига 10 йил бўлди.

Гербимиз марказида – қанотларини ёйиб турган Хумо қуши тасвириланган. Бу баҳт-саодат ва эркесварлик рамзи. Хумо қуши ўзбек ҳалқи орасида одамларни баҳт-саодатга етакловчи илоҳий күшнинг рамзи сифатида эъзозланиб келинган. Жумладан, Алишер Навоий ҳумо қушини жамики тирик мавжудотлар орасида энг саҳоватлиси деб таърифлаган.

Гербнинг юқори қисмида Ўзбекистоннинг событ ва барқарорлиги рамзи бўлган саккиз қирралари юлдуз тасвириланган бўлиб, унинг ичидаги ярим ой ва беш қирралари юлдуз ифодаланган.

Куёш тасвири – ўзбек давлати ва ҳалқининг ҳаёт йўли ҳамиша нурли бўлиши учун билдирилган ээзу ниятдир. Бундан ташқари, куёш мамлакатимиздаги ниҳоятда гўзал, табиий иқлим шароитини ҳам кўрсатиб туради. Гербдаги бошоқлар – ризқи рўзимиз бўлмиш фалланинг тимсоли, оппоқ бўлиб очилаётган пахта чаноқлари тасвириланган фўза шохлари серкӯёш Ўзбекистоннинг донгини дунёга таратган асосий бойлигимиз рамзи. Бугдой бошоқлари ва пахта чаноқларининг давлат байроғига ўхшаган лента билан ўраб қўйилгани – бу мамлакатимизда яшаётган ҳалқлар яқдиллигининг тимсолидир.

Гербимиз рангли тасвирида бўлиб, Хумо қуши кумуш рангда, куёш, пахта чаноғи ва “ЎЗБЕКИСТОН” ёзуви тилла рангда, тоғлар ҳаво ранг бўёқда, чаноқдаги пахта, дарёлар, ярим ой ва юлдуз оқ рангда, давлат байроғи тасвириланган тасма тўрт хил рангда берилган.

МАТБУОТ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Хоразм вилояти ички ишлар бошқармасида
матбуот ва оммавий охборот воситалари ходимлари кунига багишлиланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирга республика марказий газета ва журналлари, Ўзбекистон Давлат телерадиокомпаниясининг вилоятдаги мухбирлари, вилоят ИИВ нашри “Осо-ишишталик учун” газетаси ижодий жамоаси таклиф қилинди.

Вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция полковники Ш. Иброҳимов матбуот ходимларини касб байрами билан табриклиди. Шундан сўнг “Осо-ишишталик учун” газетаси муҳаррири Невъмат Солаев сўзга чиқиб, матбуот ходимлари олдида турган дол зарб вазифаларга тўхтади.

Тадбирда вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковники Б. Сидиков иштирок этиб, бир гуруҳ журналистларга қимматбаҳо совғалар топширди.

Х. ЖАББОРОВ.

«СИЛВАНИ» ВАКИЛЛАРИ – МЕХМОНИМІЗ

Якында пойтахтимиздеги “Интерконтиненталь” мәхмөнхонасыннан мажлислар залида үз маҳсулотлари тақдимотини ўтказган, ёнгин хавфсизлиги тизими асбоб-ускуналарини ишлаб чиқарыш бўйича жаҳондаги илгор фирмалардан бирин ўтказган – Италиянинг “Силвани Античеди спа” компанияси вакиллари Республика ИИВ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабига тақлиф этилди.

Хорижлик мәхмөнларнинг мактаб профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари билан мулоқотлари фоят қизиқарлаша сермазмун ўтди.

Компания президенти Александр Масьеро сўзга чиқиб, асосан ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнгинарни ўчиришда фойдаланиладиган турли хил маҳсулотларни, ёнгиндан автоматик хабарлаш қурилмалари, ўт ўчириш мосламалари, ёнгин автомашиналарини ишлаб чиқариши билан шугулланишларини тъкидлаб, айни пайтда компания билан нафақат Европа худудида, балки Осиё ва Африка қитъаларидаги турли мамлакатларда ҳам иқтисодий алоқалар йўлга кўйилганини маълум қилди.

Шундан сўнг, ўт ўчириш техникалари ва уларнинг техник имкониятлари акс эттирилган видеолавҳа на-мойиш этилди.

Нефть маҳсулотлари омбори ва сифимларда содир ўтказган ёнгинарни 60–70 метр баландликкача кўтариш имконияти бўлган саватли нарвон ва унда ўрнатилган дастаклар орқали кўпик сочиш усулида ўчириш, ўрмон ва далалардаги ёнгинарни вертолётлар ёрдамида бартараф этиш, дала майдонлари ҳамда галлазорларда содир бўладиган ёнгинарни сувни майда сачратиб сепиш орқали бартараф этиш, шунингдек маҳсус насос станциялари қатнашчиларнинг эътиборини ўзига жалб этди.

Мәхмөнлар учрашув иштирокчиларини қизиқтирган саволларга жавоб бериб, компания маҳсулотлари ва уларни кўллаш юзасидан тўлиқ маълумот бердилар.

Учрашув чоғида мактаб бошлиғи, юридик фанлари номзоди, доцент, полковник М. Собиров мәхмөнларга ёнгинарни ўчириш ва олдини олишининг янги замонавий усул ва услубларини кашф этиш, бу соҳадаги илгор технологиялар лойиҳасини яратиш юзасидан бугунги кунда илмий ходимлар томонидан амалга оширилаётган изланишлар тўғрисида гапириб берди.

Учрашув якунда мәхмөнларга Ватанимизда мустақиллик йилларида фан ва техника соҳасида эришилган ютуқлар акс эттирилган китоб ва альбомлар ҳамда бошқа қимматбаҳо совғалар топширилди. Компания вакиллари ўз маҳсулотларидан бир қанча намуналар, жумладан ёнгинардан автоматик хабарлаш қурилмалари, ёнгин ўчириш замонавий мосламалари, ёнгинарни узоқ масофадан ўчиришга мослаштирилган “монитор” (лафет)лар, бошқа ўт ўчириш қурилмалари намуналари ҳамда компаниянинг асосий иш фаолияти акс эттирилган реклама дискини мактабга тухфа этиб қолдирилар.

З. НЕЙМАТОВ,
ички хизмат подполковники.

Дўстлик кўприклари

Мухбиримиз Республика ИИВ Наркотрафика ва наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бошқармасида бўлганида унга наркотиковузга қарши қандай чора-тадбирлар кўрилаётгани ҳақида қўйидаги маълумотларни беришди.

ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИЛЯПТИ

Гиёҳвандлик воситаларини назорат қилишда халқаро ҳамкорликни чукурлашибириш Республика ИИВ Наркотрафика ва наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бошқармасининг фаолият дастуридаги таркибий қисмларидан бириди. Бунда бошқа мамлакатларнинг тегишили идоралари билан мавжуд шартномалар асосида ҳамкорликни ривожлантириши, кўп томонлама янги шартномаларни ишлаб чиқиш, тузиш кабилалар кўзда тутиляпти.

Шу маънода ички ишлар идоралари ходимлари хорижий ҳамкаслари билан делегация алмашибдан, наркотикларни назорат қилиш муаммолари бўйича ўтказиладиган халқаро семинарларда, кенгашларда ва шу каби тадбирларда қатнашишдан манфаатдордирлар. Шуни таъкидлаш керакки, бундай тадбирлар йилдан йилга кўпроқ ўтказиляпти. Масалан, сўнгги икки йил ичидаги Тошкентнинг ўзидаги учрашув-семинар туртта учрашув-семинар бўлиб ўтди. Будапешт шаҳридаги Халқаро академияда Республика ИИВ ЖК, ва ТҚҚББ, Тошкент шаҳар ИИББ, Фарғона вилояти ИИВ ЖК ва ТҚҚБнинг бир қанча ходимлари маълака ошириб қайтиши.

Шу йилнинг ўзидаги тажриба алмашиб бўйича туртта тадбир бўлиб ўтди. Бундан ташқари 2002–2004 йилларга мўлжалланган халқаро шартномалар доирасида яна туртта минтақавий лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Жумладан, жорий йилда наркотиклар айланиши масалалари бўйича тегишили вазириклар ва идоралар учун ахборотлар базасини яратиш мўлжалланган.

Мавжуд вазият минтақамизда жойлашган МДҲ давлатларининг ҳамкорлигини, уларнинг ҳар биридаги эҳтиёт чора-тадбирларни янада кучайтиришни тақозо қилмоқда. Жорий йилнинг март ойидаги Алмати шаҳрида бўлиб ўтган МДҲга аъзо давлатлар раҳбарлари учрашувда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича яқин уч йилга мўлжалланган қўшма дастур ишлаб чиқиш топширилган эди.

Бу дастурни ўз ичига олувчи чора-тадбирлар мажмуй вазият таҳлили ва Ҳамдустлик мамлакатларида наркотикларнинг ноқонуний айланиши ҳамда гиёҳвандлик дара-

жасини фараз қилишга асослангандир. Дастурни амалга ошириш бошлаб юборилди.

Бундай фаолиятни ахборот билан таъминлаш мақсадида уюшган жиноятчиликка қарши курашиши мувофиқлашибириш Бюросининг маҳсус маълумотлар банкida алоҳида бўлим ташкил қилинади. Бу бўлимда наркотиклар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига алоқадор транснационал жиноий гуруҳлар ва уларнинг етакчилари ҳақида маълумотлар тўпланади.

Бугунги кунда Афғонистондан олиб келинётган героин ва опий миқдори ошояпти. Бунинг олдини олиш мақсадида Каспий атрофи, Болқон ва Марказий Осиё мамлакатлари “Канал” халқаро тадбирини ўтказиляпти. Ушбу тадбир доирасидаги тезкор-қидирив ишлари мамлакатимизда қарийб бир ойдан бўён қизгин давом этапти. Минтақамиз мамлакатларининг бу борадаги ҳамкорлиги Бишкекда тузилган штаб томонидан мувофиқлашибирилди турдиди. У ерда Республика ИИВга тегишили бошқармаси вакили доимий фаолият кўрсатяпти.

“Канал” тўғридан тўғри наркотрафика қарши кураш операцияси дидир. Уни ўтказиша АҚШ Адлия вазирилигининг наркотикларни назорат қилиш бўйича маъмурияти яқиндан кўмак беряпти. Автомобиль трассаларида ва темир йўлларда қатор милиция хизмати ходимларидан иборат блокпостлар таш-



кил қилинган. Иш туну кун давом этапти. Нарядлар Афғонистондан ва бошқа қўшни мамлакатлардан келаётган транспортни назорат қилиш учун зарур бўладиган барча воситаларга эгадирлар.

Темир йўл вокзаллари, автошоҳбекатлар ва аэропортларда ҳам милиция ходимлари туну кун хизмат ўтаяптилар. Токикистон, Қозогистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Афғонистон билан че-гарадош, ўтиш қийин бўлган тоғли ва чўл ҳудудларни ҳаракатчан гуруҳлар назорат қилишапти. Улар ихтиёрида қидирив-текширув ишлари учун зарур криминалистик ва бошқа техникалар, шунингдек гиёҳвандлик моддаларини топишга ўргатилган хизмат итлари бор.

“Канал” операциясини ўтказиш давомида шу кунгача бир қатор тезкор тадбирлар чоғида катта миқдордаги наркотик моддаларни олиб ўтишга уринишлар бартараф этилди.

Л. КИЯШКО.

Шу сонга хабар

ТЕМИР ЙЎЛ ПОСБОНИ ТРАНСПОРТ ИИБ ТИЗИМИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИ

— “Темир йўл посбони” жамоат тузилмаларининг ишларни тақтиби қандай?

— Ҳар бир шоҳбекат, бекат, локомотив деполари, саралаш саройлари ва бошқа ишоотларда постлар ташкил этиди ҳамда патруллик қиласи. Милиция профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда ҳукуқбазарликлар ва уларни содир этган шахсларни аниқлаш бўйича рейдлар уюштиради. Ножӯя хатти-ҳаракатларга йўл кўйган шахслар билан якка тартибда профилактик ишларни олиб бориш, ишчиҳизматчиларнинг ҳукуқий маданийтини юксалтиришга ҳам эътибор беради. Шунингдек, темир йўл ҳудудларида вагон ойналарини синдириган, темир йўлга бегона жисм кўйган, алоқа виситаларини бузган ва шунга виситаларни боради.

ўхшаш ҳолатлар содир этган ўсмирларнинг ота-онаси ва яқинлари билан сұхbatлар ўтказади.

Булардан ташқари, юқорида тилга олинган Низомда темир йўл посбонларининг асосий визифалари, ҳукуқ ва бурчлари белгилаб кўйилган. Ким томонидан амалга оширилаётганидан қатъи назар, темир йўл ҳудудида содир этилаётган ҳар қандай ҳукуқбазарликларни тўхтатишини фуқаролардан талаб қилиш, милиция ходимларига ҳукуқбазар шахсларни ички ишларидаги келтиришга яқиндан ёрдам бериш, темир йўлларда амалдаги қоидаларга риоя қилмаганларни тартибга чакириш шулар жумласидандир. Посбонларга ойлик маошига энг кам иш ҳақида ишларни тақтиби қандай.

бериладиган жамоа сардори раҳбарлик қилади.

— Булар яхши, албатта. Айтингчи, ҳозирда бирор жойда амалий ишлар бошлаб юборилдими?

— Албатта. Масалан, Ховос шоҳбекатида “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компаниясига қарашли 6 та ишоот фаолият кўрсатмоқда. Яқинда бу ерда бўлиб ўтган йиғилишда фооллар “Темир йўл посбони” жамоат тузилмалари тузишга аҳд қилиши. Таъсис анжуманида темир йўл посбонларининг аъзолари ва сардор тасдиқлангач, 8–10 киши милиция ходимларига яқиндан ёрдам бера бошлайди. Ховосда тўплланган тажрибани келгусида бошқа жойларда оммалаштириш ниятимиз бор.

С. ШОДИЕВ ёзиб олди.

Хозирда маҳалла посбонлари жойларда аҳоли тинчлиги ва осойиштагини таъминлаш, ҳукуқбазарликларнинг олдини олиш ҳамда жиноятларни фош этишда ички ишлар ходимлари, хусусан профилактика инспекторларининг яқин кўмакчисига айланганидан хабарингиз бор, албатта. Буни эътиборга олган Транспорт ИИБ ва “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти хайрли ишга қўл уришиди. Эндиликда компания ишоотларида темир йўл посбонлари фаолият юритадиган бўлди. Ушбу янгиликни жорий этишдан қандай мақсадлар кўзлангани ҳақида гапириб беришни Транспорт ИИБ ҳукуқбазарликларнинг олдини олиш бўлими бошлиги, милиция подполковники Тоҳир Раҳмоновдан илтимос қилдик.

— Бундай тизимни яратишни замоннинг ўзи тақозо этди, — деди Тоҳир ака. — Натижада анча саъӣ-ҳаракатлар билан “Темир йўл посбони” жамоат тузилмалари тўғрисидаги Низом таъсикланди. Темир йўл посбонлари ана шу мебъерий ҳукуқий хужжат асосида фаолият кўрсатадилар. Асосида мақсад темир йўл ишоотларида жамоат тартибини сақлаш, осойиштагини таъминлаш ва ҳукуқ-тартиботни янада мус-таҳкамлашдан иборат. Бундай

ишга ҳукуқни муҳофаза қилиш идораларига кўнгилли равишда ёрдам бериш истагини билдириган, жисмонан ва маънавий жиҳатдан соғлом, пок, иймон-эътиқодли, юқсан ахлоқий фазилатларга эга, 18 ёшга тўлган ва 50 ёшдан ошмаган шахслар жалб этилади. Жамоат тузилмаларига жойлардаги корхона ва ташкилотларнинг касаба уюшмалари ҳамда ушбу ҳудуддаги транспорт ички ишлар идоралари бевосита раҳбарлик қилиши.

"Фалла — 2002"

ДЕҲҚОНГА ҲАММА МАДАДКОР

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

— Ўрим олдидан олиб борилган профилактик тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Ҳозиргача галазорларда ташмачилик ёки ўғирлик ҳолатлари қайд қилинмади, — дейди Элликқалъя тумани ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги С. Каравшев. — Жойларда ҳудудий постлар ташкил қилиниб, уларга биркитилган ходимларимизнинг ҳушёрлиги ва ишга масъулият билан ёндошувлари боис йифиширилган дон ҳосили бекаму кўст омборларга тўкилмоқда.

Фалла ўрим-йигимининг бориши билан таниши мақсадида тумандаги “Янгиер” ширкат хўжалигига бўлдик.

— Ўтган йили сув танқислиги туфайли анча қийналгандик. Ҳосил чўғи ҳам кўнгилдагидай бўлмаганди. Бу йил ёнгинчилкининг кўп бўлиши ва дарё тўлиб оқиши ҳосилга барака киритиб, руҳимизни кўтариб юборди, — дейди хўжалик раиси Д. Бекжанов қувонч билан. — Шартномадаги 290 тонна бугдой топширилиб, режа бажарилди. Мақсадимиз ҳосилни уч юз тоннадан ошириш. Эзгу ниятларимиз рўёбга чиқишида милиция ходимларининг тутган ўрни катта бўлмоқда.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

ФАЛЛА ПОЯЛАРИНИ ЁҚМАНГ!

Тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишлари олиб борилаётганига қарамай, ҳосили ўриб олинган майдонларни сомондан тозалаш мақсадида ва бошқа сабабларга кўра ёки ўбо-риш ҳоллари учраб туриди.

Шуни унумаслик керакки, ёниш оқибатида ернинг унумли қатламлари ўз хусусиятларини ўқотиб, ҳосилдорлик бир мунча пасайиб кетади. Қолаверса, бу ёнгинлар нафақат моддий, балки экологик жиҳатдан зарарлидир. Яъни шу майдонлар атрофига экилган дараҳтларнинг олов таъсирида қуриб қолиши ва кўтарилаётган тутун инсон саломатлигига зиён етказиб, атроф-муҳит заҳарланишига олиб келади.

Ўтган йилги мавсумда фалладан бўшаган майдонлардаги сомонни ёкиш 69 маротаба қайд этилди. Бунинг натижасида умумий ҳисобда 443,5 гектар майдон ёнгиндан куйиб, ҳосилдорликка катта зарар етказилди. Ушбу ҳолатлар бўйича айбор ва жавобгар шахсларга нисбатан интизомий, маъмурий ва ҳаттоқи жиноий жавобгарликка тортиш чоралари кўлланйди. Афсуски, бу қоидабузарлик бу йил ҳам давом этмоқда.

Ҳосил ўриб олинган майдонларда ёнгин содир бўлишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИБ ёнгин хавфсизлиги Баш бошқармаси йўл ёқаларига экилган фалла майдонлари ёнidan автоуловларда ўтаётганда сигарет қолдиқларини ўчирамасдан ташламасликни, йўл четидаги куруқ ўт, хас-хашакларни ёқмаслик, ёш болаларни галазорлар атрофида мол боқишилари ҳамда ўйнашларига йўл кўймасликни эслатиб ўтади.

**Д. ВАЛИЕВ,
ички хизмат капитани.**

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

— Бу йилги ҳосилни қисқа муддатда йигишириб олишимизга кўзим етмаганди, — дейди Тошкент давлат аграр университетининг Ўртачирчик туманидаги тажриба хўжалиги директори Файбулла Боназаров. — Чунки комбайнлар, транспортларнинг узлуксиз ишлаши қатъий назорат қилиб борилмаса, ғанимат дамлар бекор кетиши мумкин. Бу иш ички ишлар ходимларига топширилгани айни мудда бўлган. Ҳосилнинг ҳаммаси нест-нобуд бўлмай, эгри қўлли кишилар қўлига тушмасдан йигишириб, давлатга топширилди, шартнома режасидан ортгани ғамлаб олинди.

Ўртачирчилик милиция ходимлари фалла ўрим-йигимида деҳқон-фермерларга ишончли кўмакчи бўлмоқдалар. Жойларда тузилган кузатув постларида ходимлар кечака кундуз навбатчилик қилишапти. Бундан ташкири ҳаракатдаги постлар ҳам ташкил этилган. Машинада гуруҳлар далаларни, хирмонларни айлануб юришади.

Умуман, Тошкент вилоятида ҳосил ўрим-йигимида ички ишлар идоралари фаол иштирок этиб, ўғрилик, ташмачиликларнинг олдини олиш ва аниқлашада фидойилик кўрсатишмоқда. Ҳозиргача ўттизга яқин ана шундай ҳолатлар аниқланди. Янгийўл туманидаги “Дўстлик” ширкат хўжалигига яшовчи X. Мамараҳим, Д. Кувват, А. Хўжаназар хирмондан 302 кило бугдойни ўғирлаб кетаётганда ушланди. Йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан бекободлик Ш. Қадҳор юқ машинада 500 кило бугдойни ҳеч қандай ҳужжатсиз олиб кетаётгани аниқланди. Куйичирчилик тумани “Гулистон” жамоа хўжалигининг “Алишер” номли фермер хўжалиги омборхонасидан ярим тунда 2000 кило бугдойни ўғирлаб



кетаётган К. Анатолий ва Т. Дархонларни ички ишлар ходимлари ашёвий далиллар билан қўлга олди-лар.

“Ўзбекистон” жамоа хўжалигидаги “Эгамберди карвон” фермер хўжалиги фалла майдонларининг охирги пайкалларидаги ўрим-йигим устидан чиқдик.

— Бу йил ҳосилимиз мўл бўлди. Айрим жойларида гектаридан 70 центнердан дон ўғиб олдик, — деди фермер хўжалиги раҳбари М. Эгамбердиев. — Уларни қисқа муддатларда ўриб-йигиб олишимизда ички ишлар ходимлари катта ёрдам бердилар.

С. ШАМСИДДИНОВ.

Суратда: Ўртачирчилик тумани ИИБ профилактика инспектори, милиция капитани Баҳтиёр Тангириев омборга йўл олаётган машина ва ҳайдовчининг хўжжатларини кўздан кечиряпти.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ олган сурат.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Жорий йилнинг 1 июляга қадар ички ишлар ходимларининг амалга оширган тадбирлари на-тижасида ташмачилик бўйича киркка яқин ҳолат аниқланаб, айборлардан олинган деярли иккитонна фалла хирмонга қайтарилди.

Ҳозирги кундаги долзарб базифалардан яна бири фаллани ёнгиндан асраш масаласидир. Бу борада ҳам ходимларимиз доимо ҳушёрлар. Шу кунга қадар улар томонидан 750 мартадан ортиқ ёнгин хавфсизлиги қонидарини бузиш ҳолатлари аниқланаб, ҳуқуқбузарлардан қонуний йўл билан жарималар ундирилди. Олтмишга яқин дон сақланадиган иншоот ва омборхоналар фаолияти, беш юз элликдан ортиқ электр агрегат ва мосламалардан фойдаланиш вақтинча тўхтатилди. Масалан, Фузор туманидаги О. Кўчкинов, Муборак туманидаги А. Темур, “Наслчилик” жамоа ширкат хўжаликларининг омбор мудирлари М. Бобоёров, X. Наимов, Ж. Авазовлар ўзлари масъул бўлган омборларни бирламчи ўтириш воситалари билан таъминламагани, “Гулистон” жамоа ширкат хўжалиги омбор мудири Н. Салимов электр кабелидаги токнинг юқори қаршиликка чидамлилик даражасини маҳсус лаборатория синовидан ўтказдирмагани, ёнгинга қарши эҳтиёт сув ҳавзасини етарли даражада сув билан тўлдирмагани учун жаримага тортилдилар. Бундай аҳвол Китоб туманидаги Ш. Умаров, “Улугбек”, Фузор тумани-

даги “Истиқол” жамоа ширкат хўжаликларида ҳам юз берган.

Ризқ-рўзимиз бўлган буғдой ҳосилини батамом ўғиб олишимизга ҳам саноқли кунлар қолди. Фалла ўрими мавсуми мардларни ўзига хос синовдан ўтказади. Бу даврда ҳалол меҳнат қўлган ҳар бир инсоннинг эл-юрт олдида юзи ёруғ бўлади. Мавсумда иштирок этаётган ходимларимиз ҳам ҳалқимиз олдидаги бурчани ёруғ юз билан адо этишларига шубҳа йўқ.

О. ЭШҚОБИЛОВ,
милиция подполковниги.



Суратда: вилоят ИИБ ёнгин хавфсизлиги бошқармаси инспектори, ички хизмат катта лейтенанти А. Раҳмонов ва туман ИИБ ёнгин хавфсизлиги бўлинмаси бошлиги, ички хизмат майори Ф. Жомовлар “Наврӯз” хўжалиги комбайнчилари билан ёнгин хавфсизлиги ҳақида сұхбатлашмоқдалар.

Х. РАҲМОНОВ олган сурат.

Боғот дон маҳсулотлари корхона-сида фалла ўрим-йигими муносабати билан ёнгиннинг олдини олиш, уни бартараф этиш бўйича ўқув амалий машгулот бўлиб ўтди.

Тадбир корхона омборида пайдо бўлган “ёнгин”ни бартараф этиш билан бошланди. Ўт ўчирувчилар яқин ҳудудлардаги ЁХБ ходимлари ёрдамга келгунча ёнгиннинг бошқа биноларга ўтиб кетишининг олдини олиш билан шугулланишиди.

Орадан кўп ўтмай ун тегирмони биносида “ёнгин чиқсанлиги” ҳақида хабар қилинди. Ёнгинни бино томидан туриб ўчириш лозим эди.

Воқеа жойига вилоят ИИБ ЁХБга қарашли автонарвон ҳамда тезкор штаб этиб келди. Вилоят ҳамда туман ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳам-корликда ёнгинни бартараф этишга киришиди. Тезкор штаб олиб борилаётган ишлар юзасидан вилоят ёнгин хавфсизлиги бошқармаси навбатчилик қисмига маълумот берип турди.

Шундай қилиб, ўқув амалий машгулотнинг иккинчи тури ҳам юқори савияда якунланди.

Х. ЖАББОРОВ.

Суратларда: ўқув амалий машгулотдан лавҳалар.

Ж. ҚОЗОҚ олган суратлар.



МЕТРОПОЛИТЕН МИЛИЦИЯСИННИГ БИР КУНИ



Ниҳоят, тақсимот туғади. Лекин йигитлар тарқалишга шошилишмади. Чунки энди уларга бўлинма сардори, милиция майори С. Саичкин куроллар бўйича сабоқ бериши керак эди.

Сабоқ тугагунча ходимларга яратилган иш шароити билан танишдик. Шинам дам олиш хоналари хизматдан қайтган йигитларга мунтазир. Ювиниш хонаси, шу ернинг ўзида сартарошхона хизмат кўрсатаяпти.

— Тошкент Метрополитенини қўриқлаш бўйича ички ишлар бўлими 1977 йил 10 ноябрда ташкил топган.

— Йилдан йилга хизмат худудимиз кенгайиб бормоқда, — деди А. Аҳмаджонов. — Дастрас «Чилонзор — А. Темур



масъулдирлар. Метрополитен товар-бойликларирини асраш ҳам йигитларимиз зиммасида.

Энг гавжум бекатлардан бўлмиш «Пахтакор» бекатига йўл олдик.

Метро бекатида биринчи дуч келганимиз — ички ишлар ходимлариридан бирининг катта картон кути кўтариб олган фуқародан хужжатларини суриштираётгани бўлди.

— Ҳушёрикни унтур маслигимиз керак, — деди ўзини бўлинма сардорининг ёрдамчиси, милиция старшинаси А. Усмонов деб таништирган йигит. — Вазифамиз

Тошкент шаҳар ИИББ Метрополитенини қўриқлаш бўйича ички ишлар бўлимига келганимизда ходимлар кенг ҳовлида саф тортган, тақсимот бўлаётган экан.



Ходимлардан бири бир йўловчини тибиёт хонасига олиб кирди. Нима гаплигини билиш учун улар ортидан биз ҳам эргашдик.

— Метро бекатларининг бир нечтасида тибиёт пунктлари мавжуд, — изоҳ беради қон босими кўтарилиган йўловчига зарур тиббий ёрдам кўрсатган фельдшер Н. Олтинбоева. — Зарурат туғилганда улардан ички ишлар ходимлари қатори йўловчилар ҳам фойдаланишайтпти.

Бир йигитнинг хужжатларини текшираётгани милиция катта сержантини Ш.

Бундан ташқари йўловчилар орасида Чернобиль фожиаси, афғон урушининг «қатнашчилари» ҳам учрайди. Уларга гувоҳномалари қалба-


ни кутиб олиб, кузатишаипти. Айниқса, йўл сўровчилар кўп. Йўналиш янги-да, одамлар ҳали яхши ўрганишмаган.



Газ плитаси, қозон-товоқ каби рўзгор буюмларини қўриб, ажабланганимни сезган ИИБ бошлигининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўриннобосари, милиция подполковники А. Аҳмаджонов:

— Йигитларимиз бальзан шу ерда тунаб қолишларига тўғри келади. Зарурат туғилганда ўзлари овқат қилишлари мумкин, — деда изоҳ берди.

Ички ишлар идораларининг навбатчилик қисмida хизмат қилаётгандан ходимларнинг ҳозиржавоблиги ва тезкорлиги жиноятларнинг иссиғидан очилиши, тезкор турӯхнинг тўғри ҳаракат қилишида катта аҳамиятта эга. Тошкент шаҳар ИИБ Метрополитенини қўриқлаш бўйича ИИБ навбатчилик қисми инспектори, милиция майори А. Болтахожаев ва навбатчи



Абдуллаев ва милиция сержантини Н. Мавлоновлардан йўловчиларни худабехудага тўхтатиб, хужжат талаб қилишга ҳожат бормикан, деб сўрадим.

— Бор, — дейишиди улар.

— Бояги йўловчига эътибор бердингизми? У ўтгиз ёшларда, иккى-уч фарзанднинг отаси. Лекин қўлида талаба эканлиги ҳақида гувоҳнома бор. У имтиёзли ойлик йўл чиптасидан фойдаланиб юрибди. Ходимларимиз бундай соҳтакорларни бешато илғаб олишади.

килигини айтганимизда аввалига инкор қилишади, кейин бош эгиб, кечирим сўрашади.

“Алишер Навоий” йўналишига ўтамиз. Бекатларда осойишталик.

— Дам олиш куни бўлгани учун йўловчилар камроқ, — деда изоҳ берди ҳамроҳим.

Шундан сўнг “Ойбек” бекатидан “Юнусобод” йўналишининг “Минг ўрик” бекатига ўтдик. Ҳар бир бекатда ҳушёр ва синчков ички ишлар ходимлари йўловчилар-



ўз манзилига бехавотир етиб олиши, метрода хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, ҳукуқбузарликларнинг олдини олишига

— Яхшиям мелиса укаларим бор экан, — деди дастурхонга ўралган тоғора қўлтиқлаган онахон. — Метро очилгандан бўён неча марта тушдиму ҳаргал уйимга қайси томондан чиқишим кераклигини унтушиб кўяман. Шу сабабли улардан йўл сўрайман. Барака топсин ҳаммалари ҳам...

Бўлим ходимларининг бир кунлик иш фаолиятидан кўнглимиз тўлиб, қайтар эканмиз, қаерда бўлмасин эл-юрт осойишталиги, тинчлиги, хотиржамлиги йўлида жон қўйдирив меҳнат қилаётгани посбонларимиз омон бўлишсин, — деда онахоннинг сўзларига қўшилдик. Зоро, эл-юрт учун сидқидилдан хизмат қилган инсонларни Оллоҳ ярлақагай...

Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА.

Суратларда: Тошкент шаҳар ИИББ Метрополитенини қўриқлаш бўйича ИИБ ходимлари фаолиятидан лавҳалар.

**Суратларни
В. СПЕРИДОНОВ олган.**

УЧИНЧИ + TV VOLAM

«Носиға»
gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI

Олимларнинг фикрича,
Ер пайдо бўлганидан
бери Галактиканинг
қаър-қаъридан
“ташриф буюрган”
космик жисмлар билан
бир неча марта
тўқнашувларни
бошидан кечирган.
Ҳар гал бундай
“учрашувлар”дан
кейин она-
сайёрамизнинг
юзида катта-кичик
“чандик”лар –
астроблемлар
қолар экан.

ЕР БИЛАН ТЎҚНАШУВ... МУҚАРРАМИ?

Масалан, биргина Россия худудида 30 га яқин ана шундай “чандик”лар тошлиди. Ер юзида эса уларнинг сони юзга яқиниди.

...1773 йили кўкда “думли ўлдуз” (комета) пайдо бўлиши муносабати билан астроном Леланд Франция Фанлар академиясида кометанинг Ер билан эҳтимол тутилган тўқнашуви оқибатлари тўғрисида маъруза ўқимоқчи бўлди. Диндорлар эса архиепископга мурожаат этиб, ундан кометанинг Ер билан тўқнашуви натижасида вужудга келадиган даҳшатли сув тошқинининг олдини олиш учун муттасил 40 соат давомида тоат-ибодат қилишга рухсат олишга уринишди. Бироқ олимлар уни бундай тадбиirlар гайритабиий эканлитига ишонтиришди.

Гарчанд ҳаммаси кўнгилдагидай ўтган бўлса-да, “Агар комета Ер билан тўқнашганда қандай ҳодисалар юз бериши мумкин эди?” деган савол очиқ қолганди.

Бордию тўқнашув содир бўлганда зилзилалар юз бериши, бир неча километр майдонда вайронагарчиликлар келиб чиқиши мумкин эди. Бас, шундай экан, қадимиий сайёрамиз – Она-Еримиз тақдирни учун қайғуришнинг ҳеч бир заруратини кўрма-

ётиримиз. Комета бамисоли бурга филни жойидан силжита олмагани каби Ерни на йўқ қила олади, на уни ўз орбитасидан чиқаришга кучи етади.

Бундан бизнинг сайёрамиз минглаб йиллардан бери космик “ўқ”ларга “нишон” бўлиб келган, деган хулоса чиқади. Ҳақиқатан ҳам шундайми? Ҳа! Қуйида бунга бир неча мисоллар келтирамиз.

1970 йиль 8 май куни эрталаб Киев вилоятининг Яготина шаҳрида ҳаво очиқ, ҳамма ёқ сукунат оғушида. Кутимаганда самодан оғирлиги 15 килограммдан ҳам зиёдроқ муз парчаси келиб тушди. Муз парчаси ерни ўйиб кирап экан, ўзидан қаттиқ шовқин чиқарганди. Орадан ҳеч қанча фурсат ўтмасдан, муз сиртдан қараганда тўқилган туз кукунини эслатувчи оқ доғлар қолдириб, эриб кетди. Воқеага гувоҳ бўлган одамлар бир нечта муз бўлакларини банкага со-

лишиди. Муз парчалари ўзидан аммиакка ўхшаш кўланса ҳид чиқариб, эриб кетди. Олимлар осмондан “ташриф буюрган” муз парчаси унчалик катта бўлмаган кометанинг баайни ядроси деган хулоса келишиди.

Осмондан Ерга муз парчалари келиб тушганлиги ҳақидаги маълумотлар қадимги Хитойнинг VI асрда доир солномаларида ҳам учрайди. Чунончи, уларнинг бирида осмондан катталиги филча келадиган муз парчаси Ерга келиб урилганлиги ҳақида ёзилган.

1955 йили АҚШда сайёрамизга келиб тушган яна бир “самовий келгинди” – муз парчасини ҳатто тадқиқ этиш имконияти туғилганди.

Энди шундай савол туғилади: модомики, осмондан муз парчалари келиб тушар экан, ҳўш, нима учун улкан айсберг қулаб тушиши мумкинмас? Ҳамма денгизлар ва океанлар бир замонлари сайёрамизга келиб урилган улкан кометаларнинг “иши” натижасидир деган тахминлар ҳам бор. Ана шундай баҳайбат кометалардан бири ҳозир Тинч океани жойлашган худудга қулаб тушган. Мазкур худуд рельефининг геологик хусусиятлари ҳам ушбу тахминни тасдиқлаб турибди. Космик “ташриф” бизни фа-

қат сув билан тъминлабти-на қолмасдан, балки жуда катта миқдордаги карбонат ангидрид газини сиқиб чиқариши эвазига сайёрамизнинг атмосферасини ўзгартириб юборди.

Комета-музнинг эриши узоқ муддатга чўзилди, бу эса бўлајак қитъяларнинг шаклу шамойлини белгилаб берувчи улкан ёриқларни вужудга келтирди. Мазкур ёриқлар сувнинг сиқуви на-тижасида турли томонларга йўл олди. Бу тахминни мутлақ тўғри деб бўлмасада, қизиқарлиди.

Узоқ вақт давомида бошқа бир хавф – Ернинг комета “думи” орқали ўтиши мумкинлиги тўғрисидаги яна битта илмий тахмин ҳам ўрганиб чиқилди. Бу ҳодиса, албатта, сайёрамиз орбитасини ўзгартира олмайди. Тўғри, шундай одамлар ҳам топилди, улар комета бамисоли супурги коптокни супуриб ташлаши мумкин бўлганидек, Ерни итқитиб юбориши эҳтимолдан холи эмас, деган хавотирга тушишганди. Ҳозир биз комета думидаги моддалар айтарли даражада зич эмаслигини яхши биламиш.

Хисоб-китобларга қараганда, Ер кометаларнинг газли “думи”га бир неча марта тўқнаш келган. Масалан, 1861 йили худди ана шундай ҳодиса юз берганди.

1910 йилда Галлилей кометаси Ернинг яқинидан ўтиб кетганди. Ўшанда бош-



қа мамлакатларга қараганда АҚШ аҳолиси кўпроқ ваҳимага тушди. Миллионерлар герметик бункерлар қуришга киришиб, катта миқдорда кислород ёстиқчалари харид қила бошладилар. Моддий жиҳатдан кам таъминланган одамлар дераза ойналари ўрнига фишт уриб ташладилар, эшик ва мўриларин ёпиш учун кўрпа-тўшакларини юмaloқлай бошладилар.

Мана, комета учиб ўтадиган ўша “икс куни” ҳам етиб келди. Буни қарангки, фақат осмонда минглаб “юлдузлар” учганligини ҳисобга олмагандан, ҳеч қандай қўрқинчли воқеа юз бермади. Албатта, бундай ҳодисани олимлар олдиндан башорат қилгандилар: “Кометанинг думида чанг мавжуд бўлиб, у ҳар бир кубометрда битта заррадан ҳам камроқдир... Уларнинг айримлари (энг каттасининг ҳажми кум заррасидек келади) Ер атмосферасига кириб, у ерда ёниб кетадики, бунинг натижасида “Ерга тушаётган ўлдузлар манзараси вужудга келади”.

Хўш, энди фараз қиласлик, бордию шундай хатарли вазият вужудга келса, нима қилмоқ керак, ёпирлиб келаётган хавф-хатарга қарши қандай курашиб лозим? Агар кометанинг Ер билан тўқнашуви муқаррар бўлса, у ҳолда бизнинг оромимизни бузмоқчи бўлган кометани космик бўшлиқда – Ердан бир неча минг километр нарида йўқ қилиб ташлашдан ўзга чора қолмайди.

Албатта, диаметри ўнлаб километрга чўзилиб кетсан улкан кометани портлатиб юбориш осон иш эмас. Аммо ҳозирги фан ва техника ютуқлари бундай вазифани уddaлашга қодир.

**Хориж матбуоти
материаллари асосида
тайёрланди.**

Чынчын күйин, аммо ҳақиқат



КОИНОТ — ЯНГИ ҲАВФ-ХАТАР МАНБАЙМИ?

Сүнгти йилларда Ердаги радиотелескоплар узоқ космосда мутлақо күтілмаган янги кузатыш обьектларини — галактика миз, яны Сомон Йұли теварагида жуда катта тезлик билан айланып отырып, барынан олардың күрсатышича, улар ҳали Олам вужудға келаёттан маҳалларда "ишлаб чиқариш чиқитлары" сифатида пайдо бўлиб, мана 12 миллиард йилдан кўпроқ вақтдан бері бизнинг юлдузлар тизимимиз атрофидан кезиб юртти. Мазкур ҳосилалар жуда қадим замонларда пайдо бўлганлиги фикрини уларда оғир унсурлар (жумладан, углерод ва кислород) ўта кам миқдорда мавжудлиги ҳам исботламоқда. Маълумки, бундай унсурлар Олам тараққиётининг энг бошланғич босқичлари — факат юлдузлар пайдо бўлиши жараёндагина вужудга келди.

Беркли (АҚШ)даги Калифорния дорилфунуни астрономи Лео Блитцининг фикрига қараганда, водороднинг "дайди булутлари" ундан ҳам анча аввал — ҳали дастлабки космик "шўра"нинг куюқлашуви чогида вужудга келганди. Маълумки, айнан ана шу "куюқлашган аралашма" кейинчилик юлдузларга айланған эди. Модомики шундай экан, бу сингари булутлар бошқа сайдерлар теварагида ҳам мавжудлигини эҳтимол тутмоқ лозим бўлади. Агар шундай булутлар тўдаси топилмаса, у ҳолда бизнинг юлдузлар тизимимиз — Сомон Йұли бундай "хурмат-эҳтиром"га нима сабабдан сазовор бўлган экан? — деб ўйлаб кўришимизга тўғри келди. Бу шунчаки оддий масала эмас, хатарли аломуатдир. "Дайди булутлар" бизнинг галактика мизига яқынлашса, уни бир лаҳзадаёқ "ютиб юборади".

ОДАМХЎР ЙЎЛБАРСЛАР БОР,



Хеч қачон одамлар йўлбарсларнинг асосий емиши бўлмаган. Аммо бу улкан "ола мушуклар" бальзан муайян сабабларга кўра одамхўрлик қилишга мажбур бўлишиади.

Масалан, Ҳиндистоннинг муҳтасар йўлбарси жайра билан тўқнашувда кўзидан ажраб, панжаларига ўнлаб ниналар санчилиб қолган. Жонивор ниналарнинг кўпини тиши билан сугуриб оламан деб синдириб қўяди. Натижада панжалари оғриб, овга ярамай қолади. Шунинг учун осон ўлжа — одам овлашга тушади. Мазахўрек бўлган йўлбарс қисқа вақт ичидаги 24 нафар одамнинг умрига зомин бўлди.


Инглиз овчиси Жим Картер "Кумаонлик одамхўрлар" китобида ёзишича, Жанубий Бенгалияда олти йил (1860–1866) давомида 4200 га яқин киши йўлбарсларга ем бўлишган. Аммо ҳақиқий кўрсаткич бу рақамдан анча юқори бўлиши керак. Чунки йўлбарсларга ем бўлган одамларнинг жасадлари ҳамиша ҳам топилавермайди. 1870–1880 йиллар оралигида ҳар йили йиртқичлар дастидан ўртача 800–900 киши нобуд бўлган. Йўлбарслар ўргасида бу борада "рекорд" ўрнатганлари ҳам бор. Кумаонлик одамхўр тўрт йил мобайнида 234 кишини еган бўлса, Мадхия Прадеш штатилик йўлбарснинг ҳисобига 267 киши тўғри келди.

МЕХАНИК "БАЛИК"

АҚШдаги Массачусетс технология институти мұхандислари кўп йиллардан бери ҳудди балик каби ҳаракатланадиган сувости аппарати яратиш устида ишламоқдалар. Узунлиги 1,3 метр келадиган ана шундай курилманинг дастлабки модели уни яратганларни кониқтирмади. Чунки у электр қувватини кабель орқали олар эркин ҳаракатлашиш имкониятидан маҳрум эди.

Сўнгги моделни мұхандислар бир лаҳзада улкан тезликка эриша олиш ва баайни бир нүктанинг ўзида 180 дараражага тескари айланиш қобилиятига эга бўлган ўйноқи чўртган баликнинг алоҳида бир тури сифатида лойиҳалаштирилар. Асосий лойиҳа муаллифи

Жон Кампфнинг сўзларига қараганда, ҳақиқий баликникига хос эгилувчан "скелет" тайёрланадиган бўлди. Бу вазифани шишапластикали спирални кўллаш хисобига ҳал этишга қарор килдилар. Янги моделнинг узунлиги 0,8 метрга тенг бўлиб, силикон коплама унга гаройиб сўрилини, бешта миттидвигатель эса юксак ҳаракатчанликни таъминлади. Модель масофадан туриб радио орқали бошқарилади. Янги сувости роботи келажақда яратилажак, хозиргиларига нисбатан анча мукаммал йирик сувости аппаратлари тимсолидир.



XXI АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ

Денгизчиларнинг фикрига кўра, бугунги кунда денгиз қароқчилари ҳар қачонгидан ҳам авж олган. Ҳақиқатан ҳам, янги асрнинг дастлабки иккى йилида денгиз қароқчиларининг савдо кемаларига қўлган ҳужуми иккى марта ошди! Расмий мавзумотларга қараганда, биргина франциялик кема соҳиблари иккى йил мобайнида денгиз қароқчилари дастидан 30 миллиард доллар миқдорида зарап кўрдилар! Одатда қўлга олинган кемалар юклари билан биргаликда ғойиб бўлади. Улар энг чекка портларга ҳайдаб кетилади, у ерда қайта курилиб, қайта бўялади, шундан сўнг бошқа ном ва бошқа байроқ остида денгизга чиқади.

Замонавий қароқчилар тез сузадиган кемаларга, алоқанинг энг замонавий воситаларига эгадирлар, улар тиши-тироғигача куролланган, ҳар қачонгидан ҳам тажовузкор ва шафқатсиздирлар.

БУНИ ДАРАХТ ДЕСА БЎЛАДИ!

Биз танасининг йўғонлиги бир неча ўнлаб метрга тенг бўлган улкан баобаб дарахтини назарда тутмоқдамиз. Унинг "жони темирлиги" ҳар қандай кишини ҳайратга солади: агар пўстлоғи сидириб ташланса ҳам нобуд бўлмайди. Орадан бирмунча вақт ўтиб, пўстлоғи яна ўсиб чиқади. Бордюо баобаб ерга қула бушса, то унинг бирор томири Ер билан боғланган экан, куриб қолмайди. Ётани кўйи ҳам ўсишда давом этади! Баобабнинг фовак пўстлоғи ва ёғочи қозоз ҳамда газлама тайёрлашда ишлатилади. Унинг баргидан тайёрланган дамлама эса иситма, кўков, ичбуруғ, буйрак хасталиклари қарши шифо вазифасини бажаради...

Баобаблар шу даражада улканки, уларнинг ичига 20–30 киши бемалол сига олади. Зимбабведа унинг танаси ичига бутун бошли автобус бекати жойлаштирилган, Бостванада эса ана шу дарахтнинг ичи... маҳаллий қамоқхона сифатида хизмат қилмоқда.



РАҲМДИЛЛАРИ-ЧИ?..

Йўлбарсларнинг панжасидан тирик кутулган одамлар ҳам бор. Бир замонлар Сирдарё яқинида пода боқиб юрган киши кечқурун бир бош бузози йўқолганини билиб қолди. У поданинг ўғлига топшириб ўзи бузоқни излаб дарё бўйига келди.


Қараса кўм-кўк бутазор орқасида малла ранг бир нима кўриниб туриди. "Бебош бузоқнинг адабини бериш учун, — дейди подачи, — орқасига таёғим билан бир туширдим. Шу пайт "бузоқ" маъраш ўрнига ўқирса бўладими. Жойимда қотиб қолдим. Йўлбарс ёнимга келиб, бозимга панжасини қўйди! Хушимдан кетиб йиқилдим. Кўзимни очсан атроф зим-

зиё, осмонда юлдузлар жи-мирларди. Оллоҳнинг инояти билан йўлбарсга ем бўлмай қолган эдим".

Йўлбарснинг тирноқлари подачининг юзларини шилган эди, холос.

Қизилўрдалик овчи Муҳаммаднинг ҳам бу борада омади чопган. Бир кун кечқурун у дарё қирғоғи бўйлаб отда кетаётган бўлган. Остидаги от негадир асабийлашиб кишнайверган,

кулоқларини чимирган. Бундан сергакланган овчи милтигини ҳозирлаган. Шу пайт буталар ортидан улкан йўлбарс чиқиб келган. Муҳаммад кўрқанидан нишонга теккиза олмаган. Фазабланган йўлбарс бир сакраб чавандозни эгардан ерга йиқитади. Ўлимини бўйнига олиб кўйган йигит ялиниб худодан мадад сўрай бошлайди. Йиртқич даҳшатли ўқирганча ўлжасини ўз ҳолига қўйиб бутазорга кириб кетади. Бу "учрашув"дан сўнг овчи дудуқланадиган бўлиб қолган.



БАЛИКЛАР ҚАНЧА УМР КЎРАДИ?

Қадимги кўлёзмаларда ҳикоя қилинишича, 1497 йили Германияда бир чўртган балик тутилган бўлиб, бу сув жонивори 1230 йилда император Фридрих Иккинчи томонидан ҳалқаланиб эркинликка қўйиб юборилган экан! Қариб, рангги оқариб кетган бу баликнинг узунлиги олти метр, оғирлиги бир юз эллик килограммга тенг эди! Бизнинг давримизга келиб эса Москва яқинидаги Царицино ҳовузларини тозалаш чоғида "Бу чўртган баликни подшо Борис Федорович ҳовузга қўйиб юборган" сўзлари ёзилган тилла ҳалқали сув жонивори кўлга туширилганди. Демак, мазкур воқеа юз берганидан салкам уч юз йил вақт ўтибди. Узок умр кўрган ушбу сув жониворининг вазни олтмиш килограммдан оғирроқ эди.



МОРБОЗ: — Талтайтириб юбордим, шекилли! Илгари битта сурнайнинг ўзи кифоя эди!

"РАКҚОСА" ИЛОН

Муроджон мусиқага ёшлигидан ихлос қўйди. Бир кўй чалишга киришиб кетса борми, тамом ҳамма нарсани унтарди. 9-синфи битирибоқ Буҳоро мусиқа билим юртига ўқишига кирди.

Ёзги имтиҳонлар бошланди. Тўртинчи босқичга ўтиш синовлари талайгина. Икки кундан кейин энг охиргиси — фортелианодан. Тўрт баҳо олса бўлгани, беш шарт эмас. “Йигитнинг яхиси “яхши” баҳо олади”, — дейишади ҳар доим кулишиб талабалар.

Аксига олиб, фортелиано чалиш анча мушкул. Лекин машқ қиласан, қўлинг келишиб кетар экан. Эрта тонгда билим юртига кириб келган Муроджон қоровулдан зал калитини сўраб олди. Бошқа ҳеч кимни киритмасликни илтимос қилиб, фортелианода машқ қилишига киришди. У икки соатдан ортиқ бе-

рилиб чалди — маза қилиди. Бармоқлари фортелиано клавишлари устида күшдек ўйнар эди. Бутун вужуди кўй сехри билан масти. Бир танасини орқага ташлар, бир кўкраги билан фортелиано устига эгилар, ҳар замонда бошини мағрур кўтариб силкиб қўяди. У эшик очилганини ҳам, бирор қараф турганини ҳам сезмади.

Талабанинг мусиқа асбобини равон чалишини, ўзини тутишини диққат билан кузатиб турган директор бирдан сесканиб кетди. Кўзлари чақнади, бошидан совуқ сув кўйилгандек бўлди. Не кўз билан кўрсингни, кўй сехридан масти талабанинг елкаси узра катта олачипор илон тилини чиқарганча тўлғониб-тўлғониб ўйнарди. Унинг думи фортелиано олдилиги ўтиргичга ўралган, гўё Муроджон билан бирга ўтиргандек эди. Машшоқ йигитнинг

— “Форте”дан битта “беш” менини энди, домлажон!

Шу пайт фортелиано тагида нимадир шақиршукур қилиб кетди. Талаба хушёр тортди. Бир оздан сўнг зал четидаги боғ тарафга чиқадиган эшик томон жуда катта олачипор илон тез-тез ўрмалади. Муроджон унинг ҳай-

Воқеий ҳикоя

батидан қўрқиб кетди. Илон нақ икки ярим — уч метрлар келарди. Қалинлиги ҳам билакдай. Ялтирашини айтмайсизми! Йигитчанинг дафтари қўлидан тушиб, тили калимага келмай қолди. Эшик томон қараб, директорни кўрди. У яна ҳаяжонланди. Ахир, директор: “Бу залда машқ қилиш мумкин эмас, синфларингиздаги фортелианода машқ қилинглар. Бу эса фақат концерт пайти чалиниши керак”, деб айтганди. “Энди қоровул ҳам мен учун дашном эшитадиган бўлди”, — ўйларди талаба.

— Э, яшаворинг-э, тақсир! (Директор ҳамма талабаларга шундай муаржаат қиласди). Беш эмас, ўн оласиз, ўн! Ахир илонни ўйната олган мусиқачига тан бермай бўладими?

У талабанинг қўлидан тутиб жўмракдан оқиб турган сувдан ичирди. Бўлган воқеани тўплangan талаба ўқитувчиларга сўзлаб берди. Муроджон эса лол. Наҳотки, ўша илон рақс тушган бўлса, деб ўйлар, ўйланган сари қўрқув босар эди уни.

— Аслида Мурод эмас, сиз сув ичишингиз керак, домла, — дейишарди воқеани эшитганлар. — Ахир илонни, унинг рақсини кўрган сиз-ку?! Юрак ҳам отнинг калласидек бор экан-да.

Л. МАНСУРОВА,
журналист.

Бир чимдим кулгу

АНТИКА ЁЗМА ИШ

Ўқувчилар “Ялқовлик нима?” мавзууда синф иши ёзардилар. Улардан бири энг “узун”, уч бетлик ёзма ишини ўқитувчи қўлига тутқазди. Унинг биринчи бетида “Бу”, иккинчи бетида “ялқовлик”, учинчи бетида эса “дегани” сўзлари ёзилганди.

ГАПНИНГ ЭГАСИ

Она тили ўқитувчиси деди:

— “Махбубага дадаси музқаймоқ олиб келди...” — Гапнинг эгасини топинг.

Ўқувчи:

— Агар акалари тортиб олишмаса, эгаси — Махбуба.

ҲАМ БИРЛИК, ҲАМ КЎПЛИК

Ўқитувчи: “Шундай қилиб, болалар, бугун сизлар “бирлик” ва “кўплик” шаклларини ўрганиб олдиларинг. Хўш, курт, айт-чи, “шим” сўзи бирликми ё кўплик?”


Ўқувчи: “Шим” сўзи, домлажон, юқоридан бирлик, пастандай кўплик.

ГАПНИНГ ТУРЛАРИ

— Дарсга кечикиб келасан. Бебошлиқ қиласан. Олганинг нуқул икки. Ахир, бу нима деган гап? — деди ўқитувчи.

— Олдинги икки жумлангиз дарак гап, кейингиси сўроқ гап, — деб жавоб берди ўқувчи.

ЎН ИККИТА СЎЗ



Маънолари кўйида тавсифланган саккиз ҳарфли ўнта сўзни топинг ва шаклнинг хоналарига тартиб билан энинг ёзиги чиқинг. Улардан ҳар бирининг учинчи ҳарфи — “М”.

- Жануби-шарқий Осиёдаги давлат.
- Африканинг тропик ўрмонларида яшайдиган одамсимон маймун.
- Фуқароларнинг шахсий ва мулкий манфаатларини ҳимоя қилишининг хукукий шаклларидан бири.
- Турли аллергик касалликларни даволаш учун қўлланиладиган дори модданинг номи.
- Машхур авар шоир (исми — Расул).
- Бирор давлатни ташкил қилган худуд.
- Тинч океан, Охота ва Беринг денгизлари билан ўралган ярим орол.
- Хиндистоннинг Гужарот штатидаги шаҳар.
- Айрим хорижий давлатларнинг полиция хизмати ходимларига бериладиган маҳсусунвон.
- Ўзбекистон Республикасидаги вилоятлардан бирининг маркази.

Агар топиб ёзилган жавоб сўзлар тўғри бўлса, шаклнинг доирачали хоналаридан ўзбек миллый пазандалик санъатига тааллуқли сўзлардан иккитаини ўқийсиз.

Тузувчи **Х. АБДУЛЛАЕВ**.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СОНIDA ЧОП ЭТИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Кўбизчи. Ўқон. Оми. Афт. Гудак. Талай. Сўм. Иримчи. Такозо. Махаллий. Адаш. Ер. Диј. Кисса. Оуву. Лазер. Сингил. Йигит. Си. Доң. Иқбл. Шан. Илоҳ. Оқсоқол. Оқова. Оз. Пес. Илон. Ҳазил. Доим. Ем. Тотли. Ўқдон. Илгак. Дам. Руҳи. Авом. Бекон. Вилт. Аҳвол. Ин. Орден. Авф. Эшак. Үнсур.

БЎЙИГА: Қассоб. Шўурвал. Кари. Су. Салат. Қавуш. Бокс. Дую. Лин. Асо. Қандил. Блок. Пустлок. Иншо. Алоҳида. Жудо. Оқил. Мерган. Ен. Агар. Анонс. Най. Ол. Анқов. Ҳажв. Овсар. Ўрта. Ўй. Пи. Одми. Илми. Елена. Лифт. Илгари. Голос. Матн. Ийд. Оқ. Чидам. Илтико. Чала. Оксид. Зебра. Апе. Қилмиш. Рельс.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СОНIDA ЧОП ЭТИЛГАН БОШКОТИРМАНИНГ ЖАВОБИ:

Лолалар учун офтоб яхшидир,
Болалар учун одоб яхшидир.

БОЛАМ, ЭНДИ СЕН ГАПИР!



— Худога шукр, — деди кампир бўшаган пиёласини стол устига кўяркан. — Гувоҳликка чақиригандек ўзини тутишини чиқарсан. Энди эшик. Кўрганларимни ипиданигнасигача айтиб бераман. Ўзинг керакли жойларни қофзга туширасан. Кейин кўл қўйиб бераман.

— Сиз қайси иш бўйича? — Йигитча ҳаяжонини яширишга уриниб стулга яхшироқ ўрнашиб ўтириди.

— Кечаги икки бозорчи хотиннинг жанжали бор-ку!

— Ҳа, бўлди, эсимга тушиди...

Кампир гапга тушиб кетди. Энди ёзмоқчи бўлган йигитчага:

бораётган терговчиман, — деди ҳалиги киши.

— Вой, унақада бунинг ким? — кампир йигитчага ўқрайди.

— Ҳа, буми, шогирдим. Практикант. Институтнинг учинчи курсида ўқийди. Иш ўрганишга келган.


Кампир тумшайиб қовогини ўйди.

— Ҳўш, холажон. Исли шарифингиз, туғилган йилингиз, яшаш жойингизни айтинг. Кейин кўрган-билганингизни бир бошдан гапириб бераверасиз. Мен керакли жойларини қофзга тушираман. Зарур бўлса, у-бу нарса сўрайман. Охирида кўл қўйиб берсангиз бўлди.



Онахон тўнғиллади:

— Энди ҳамма саволларинга шогирдинг жавоб берсисн. Менга анови сувингдан қўйиб бер. Икки соатдан бери чакак уриб томоқларим қақраб кетди, — сўнг теппасида қақчайиб турган шогирдбаччага ўгрилди. — Болалам, энди сен гапир!

Бобомурод тошев.



О'нта farqni toping



БЕФАРҚ БҮЛМАСЛИГИМИЗ КЕРАК

Сир эмас, содир этилаётган жиноятларнинг бир қисми судланған шахслар томонидан амалга оширилмоқда. Сабаби аник. Қамоқ жазосини ўтаб келгандарни ишга қабул қилишда күпгина корхона, ташкилотлар раҳбарлари иккиланиб колишади. Уларнинг наздида "үтириб" чиққанлар ишга ижобий муносабатда бўлмайди. Лекин баъзан жазони ижро этиб қайтганларнинг бекор қолиши уларнинг қайта жиноятга кўл уришига сабаб бўлаётганини унутмаслигимиз керак.


Ҳудудимизда жазони ижро этиш жойларидан озодликка чиққан 34 нафар шахс истиқомат қиласи. Ҳозиргача уларнинг 2 нафари давлат, 8 нафари якка тартибда фаолият кўрсатаётган корхоналарга ишга жойлаштирилди. Бунда Бобур маҳалласи фуқаролар йигини раиси Иброҳимжон Каримов, котиб Шокиржон Зокиров ҳамда фаолларнинг саъй-ҳаракатини алоҳида тъкидаш лозим.

Маҳалла фаоллари билан ўзаро ҳамкорликда нотинч оиласи, ичкилик ҳамда гиёҳвандликка берилган шахслар билан жиддий шуғулланмоқдамиз. Шу кунгача иккита жанжалкаш оиласи мухокама қилиб, эр-хотинларни яраттиридик. Шунингдек, 4 нафар мунтазам спиртли ичимлик, 2 нафар гиёҳвандлик моддалари

истеъмол қилувчилар наркологик диспансерга даволаниш учун жойлаштирилди.

Ҳудудимиз Андижоннинг эски шаҳар қисмини ўз ичига олган. Унда 4,5 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиласи. Уларнинг осойишталигини таъминлаш, келиб-кетувчиларнинг хатти-харакатидан ҳамиша огоҳ бўлиб туриш асосий вазифаларнинг бирори. Бу вазифаларни профилактика катта инспектори, милиция капитани Ҳокимжон Ҳожихонов, милиция катта лейтенанти Улуғбек Раҳмонов, милиция катта лейтенанти Илҳомжон Ҳасанов каби профилактика инспекторлари, шунингдек маҳалла посбони Наврӯзбек Раҳмоновлар сидқидилдан адо этмоқдалар.

**Қ. АБДИЕВ,
милиция капитани.**



Бўстонлиқ туманида 2002 йил олти ойда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан болалар ва ўсминалар ўртасида содир этилаётган жиноят ва ҳукуқбузарликлар тенг ярмига камайди. Ички ишлар бўлимида рўйхатда турган болаларнинг бир қисми назоратдан чиқарилди. Бу, албатта, ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бунда ИИБ вояга етмаганлар ўртасида ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинмаси инспектори милиция лейтенанти Нуржон Калибаевнинг ҳам хизмати бор. Осоишталик посбони доимо болалар даврасида бўлиб, ҳукуқий мавзуларда сұхбатлар ўтказмоқда.

Суратда: милиция лейтенанти Н. Калибаев болалар билан сұхбатлашти.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ олган сурат.

Чигал тақдирлар

ИШОНГИМ КЕЛАДИ

Абдумажид мақомларни маромига етказиб айтади. Дутор, танбур чалишни яхши билади. Буни ургутлик ака-ука Сайдовларга шогирд тушиб ўрганган. Қамалишидан олдин фирма ҳам очган. Олди-сотди билан шугулланган. Уйланган, тўрт фарзанд кўрган: икки ўғил, икки қиз. Топиш-тутиши яхши бўлган, машина олган, ака-укаларига қарашган. Хуллас, турмушидан нолийдиган жойи бўлмаган. Факат...

Худо одамга мол-давлат бериб ҳам синар экан. Абдумажид ана шу синовдан ўта олмади. Жўравозлика, маишатга берилиди. Ичкиликбозлиқдан гиёҳвандликка ўтиб кетганини ўзи ҳам билмай қолди. Қараса, заҳри қотил сотиб яхшигина пул ишлаб олиш мумкин экан.

— Ҳамма айб ўзимда, — дейди у бошини эгиб. — Бирор иччиликни мажбурлаб оғзимга қўйгани йўқ. Гиёҳвандликка ҳам ўзим ўргандим. Гиёҳфурушликка нафсим сабаб бўлди. Инсофни, шукроналикни унутдим. Насиб этса, озодликка чиқсан ҳаром-ҳаришдан узоқ бўламан. Фирмамнинг ишини юритиб юбораман...

У муассасамизда ташкил этилган "Орзу" ансамбли аъзоси. Ширили, дардли овозда қўшиқ айтганда ҳаммага таъсир қиласи. Шунда бу одам гиёҳфурушлик қилиб қамалганига ишонгингиз келмайди. "Хом сут эмган бандамиз-да", дейсиз бе-ихтиёр.

Самаднинг бу иккинчи қамалиши. Ўзи туппа-тузук оиласи чиққан. Онаси ўқитувчи, отаси театр директори бўлган. Акаларидан бири савдо ходими, бошқаси машина устаси. Ўзининг эса на ўқиш ва на ишга ҳуши бўлди. Тўқизинчи синфни амал-тақал қилиб битириб кўча чангитиб юраверди. Саёқ юрган

нинг қўли, меҳнати билан яралаётган мўъжизаларни кўриб, ёғоч ўймакорлигига ҳавас уйғонди. Устага шогирд тушиб, тез орада ўзининг ҳам анча-мунча ишга қўли келиб қолди. Ҳозир эшикка нақш ўйишни билади, бири-биридан бежирим ёғоч кутичалар, бошқа эсадлик буюмлари ясай олади. Эрта бир кун озодликка чиқсанг яна эски хунарингни қиласанми деб сўрасангиз:

— Ёшим 28 га кириб, ҳали оила куриш, фарзанд кўриш нима эканлигини билмабман. Одамзод умрини қамоқда ўткашиб учун дунёга келмайди-ку. Мана, гулдай ҳунар эгалладим, етади ўзимни ҳам хор қўлганим, ота-онамни ҳам куйдирганим. Энди ҳалол меҳнат қиласи. Одамларга ўхшаб яшайман, — дейди.

Салкам тенгдоши наманганлик Носирнинг тақдирни ҳам қайси жиҳатданdir Самадникига ўхшаб кетади.

— Оилада кенжатой, эрка эдим, — дейи ўзи ҳикоя қиласи, — ота-онам, акаларимни айтганимга кўндириардим. Сал нарсага зарда қилардим, бақириб-чақириардим. Кўтаришарди. Ҳаётда доимо онамнинг эркаси, отамнинг серкаси бўлиб яшайман деб ўйлабман. Билмабманки, бегоналар тантиқлигими, ўзбошимчалигими кўтармайди, керак бўлса қонун ҳам жазолайди.

Акаларим бозорда ўз бошимга савдо қилишим учун сармоя беришган эди. Чой, шакар, новвот каби озиқ-овқат маҳсулотларини сотардим. Бир куни бирор билан жой ташлашиб ёқа бўғишиб қолдик.

Менинг айтганимга қарши турдиганлар ҳам борми деб жаҳл устида қорнига пичоқ тиқиб юборибман. Уч кунча қочиб, бекиниб юрдим. Кейин ўзим милиция бўлимига кириб бордим. Мен ашаддий жиноятчи эмасман-ку. Одам бир умр яшириниб яшамайди, ундан ҳам ташқари ўзидан, вижданидан бекинишга жой тополмайди-ку, тўғрими?

Тўғри, дейман Носирнинг гапларини маъқуллаб. Бир пайтлар ўзининг жойини йиғиштиришни ор билган бу йигит ҳозир муассаса ҳудудини супуриб-сириради, экинларни парвариши қиласи. Бу гапим билан Носиржоннинг устидан кулмоқчи эмасман, аксинча унинг феъл-атворида юз берган ўзгаришни таъкидламоқчиман.

— Қилаётган ишимдан ҳам асло ор қилмайман. Ўзимизнинг янаш жойимиз тоза-озода, обод бўлса, одамнинг баҳри-дили очилади. Бунинг устига меҳнатимиз учун ҳақ ҳам тўланади, — дейди у. — Киши хокисор, камтар, юмшоқ табиатли, ширин сўз бўлиши керак экан. Буни пича кеч англадим. Кеч бўлса ҳам англадимку, тўғрими?

Тўғри. Бу гапи ҳам тўғри. Юқорида тақдирлари ҳақида ўзим ҳикоя қилган йигитлар бир оз бўлса ҳам хатоларини англаганларига қувонаман. Уларнинг иқорлари самимийлигига, қайтиб хатоларини такрорламасликларига ишонгим келади. Оқил одамлар ўзгаларнинг хатоларидан ўрганишади, деган гап бор. Ўйлайманки, бу чигал тақдирлар бошқалар учун дарс, сабоқ бўлади.

**М. АБДУЛЛАЕВ,
ички хизмат подполковниги.**

Миннатдорчилик

КЎНГЛИМ ТОҒДАЙ ҚЎТАРИЛДИ

Тўнгич ўғлим Ҳусниддин республика ИИВ Ёнин хавфсизлиги олий техник мактабида ўқиши. Яқинда уни түғилган куни билан табриклагани Тошкентта борган эдим. Ўғлим таҳсил олаётган курс бошлиги А. Абдураҳмонов мени очқ чехра билан қарши олди. Сўнг Ҳусниддини чақиртириди. Боламнинг кўриниши биноидайдай, қадди-бастига ярашиб турган кийим-боши жуда бежирим тикилган эди. Ичимда "тўнгичим мусофиричиликда қўйналмаяти-микан?" деб ўйлаб юрганима ўзим хижсолат чекдим.

А. Абдураҳмонов хоҳласам, олий мактабдаги шарт-шароит билан танишишим мумкинлигини айтди. Кирдим, кўрдим — кўнглим тўлди. Ётоқхоналари, ошхоналари шинам, озода. Дарсхоналари компютерлару бошқа техник ўқув воситалари билан жиҳозланган. Мактаб ҳовлиси ободонлаштирилган, кўқаламзор. Буларнинг барчаси билим даргоҳида хизмат қилаётган ходимлар меҳнатининг самараси, албатта. Менга айниқса, бу ердаги ҳарбийча тартиб-интизом ёқди. Ҳаммаси учун мактаб маъмуриятига ташаккур.

**Ш. ҲУСЕНОВА.
Нурота шахри.**

ФИДОЙИЛИКЛАРИГА ТАН БЕРДИК

Ҳайдовчи зотининг милиционерларга миннатдорчилик билдириши ҳаётда тез-тез учрайдиган ҳодиса эмас. Сабаби маълум, улар доим ҳам қоидабузарликларни тан олавермайдилар. Аммо ўзимиз гуваҳи бўлган бир воқеани ҳикоя қилиб, осоишталик посбонлари шаънига таҳсис айтишини бурчимиз, деб билдик.

Биз, Кўкон шаҳридаги автомашинанинг бир гуруҳ ҳайдовчилари Бувайда туманидаги галла ўрим-шигими тадбиринга сафарбар қалинган эдик. "Оққўргон" жамоа ҳўжалиги даласидаги хирмонда 1000 тоннадан ортиқроқ дон ташишга улгурмасдан тўпланиб қолди.

16 июнга ўтар кечаси ҳавонинг авзойи бузилди. Милиция полковниги О. Гофуров ва милиция подполковниги Ҳ. Олимовлар дарҳол ҳайдовчиларни тўплаб, аҳволни тушунтиришиди. Йўловчи машиналарни ҳам тўхтатиб, ҳосилни ёмғир остида қолдирмасдан омборхонага ташиб олишга қўмак бершиларини сўрашиди. Ҳатто Кўконданги дон маҳсулотлари акциядорлик жамияти раҳбарияти билан биз ташиб келтираётган донни навбатсиз қабуба қилишга келишишиди. Уларнинг халқ ризқнасибасини деб бунчалик жон куйдирисини кўриб ўзимизнинг ҳам гайратимизга гайрат қўшилди. Ҳақиқатан галлани ташиб бўлишимиз билан ёмғир қўйиб берди. Милиция сафида уларга ўшаган фидойи, куюнчак инсонлар кўпаяверсин.

**А. АХМЕДОВ.
М. ИСМОИЛОВ.**

Жиноятчига жазо муқаррар

10 майга ўтар кечаси Тошлоқ тумани Акмал Икромов кўчасида яшовчи тадбиркор Муродил Тожибоевнинг хонадонида босқинчилик содир этилди.

БОСҚИНЧИЛАР

сенларни ўлдириб ҳетамиз. Пул сақланадиган сейф қаерда?

Пўлат қути даҳлизда эди. Бироқ болалар айтсан аямни ўлдиришлари мумкин, деган ўйда индашмади.

— Сейф қаерда деяпман?! — важоҳат билан бақири жиноятчилардан бири тўпконча ўқтабиди.

— Нариги хонада, — деди Алишер синиқ оҳангда. — Фақат аямга тегманлар. Шундок ҳам рўзгор ташвишлари у кишини қийнаб қўйган.

Жиноятчилардан бири хонада қолди, қолганлар даҳлизга очиши. Эшикнинг зарб билан очилишидан Малика уйғониб кетди. Ўрнидан туришга ултурмасдан ўзи томон ўқталган тўпкончани қўриб, карахт бўлиб қолди... Даҳлиздагилар нинг оёқ-қўллари ҳам ип билан боғланди.

Босқинчилар аввалига русчалаб уйдаги пул ва қимматбаҳо тақинчоқлар қаердалигини сўраши.

— Мен русчани тушунмайман, ўзбекча гапиринглар, — деди Малика қўркувдан титраб.

— Тилла тақинчоқлар, пуллар қаерда?

— Эрим тилла тақинчоқ олиб бермаган. Пуллар шкаф ичидаги сейфда. Ҳаммасини олинглар, лекин менга, болаларимга тегманлар.

Хонадаги аҳвол Мұхаббатни бутунлай эсанкиратиб қўйган, у қўрқанидан қалтирди.

— Дадангизни ўлдириш учун келгандин. У йўқ экан. Агар бақирсанглар ўрнига

уни билан тергов-тезкор гуруҳи ходимлари мижжакоқмай бу жиноятни очиш билан шуғулландилар.

Юзлаб ҳайдовчилар безовта қилинди. Йўловчилар, йўл ёқасидаги идоралар қоровуллари ва бошқа шахслардан сўраб-сuriштирилди. Аммо ёч ким

автоҳалокат содир этган шахсни қўрмаган эди.

Воқеа содир бўлганидан бир сутка ўтгач, биз жиноятни очишга муваффақ бўлдик. Фалокат устидан чиқиб қолган бошқа бир ҳайдовчи бу ҳақда бизга телефон орқали хабар берди. “Мен автоҳалокатни содир этган машинанинг давлат рақами биламан. Чунки мен айнан воқеа содир бўлган

— Мен буларнинг қўшнисиман, илтимос, қўйиб юборинглар, — деди у.

— Жим ёт! Агар бақириб-чакирмасанглар сизларга тегмаймиз. Бизга пул ва тилла тақинчоқлар керак.

Улар хонани остин-устун қилиб, титиб чиқдилар. Бошқа нарса топи-

филактик ҳисобда турувчи шахслар билан бирма-бир сұхбатлашиб, суриштирув ишлари олиб борилди.

— Кейинги 5—6 йил мобайнида Тошлоқ туманида бундай оғир жиноят содир этилмаганди, — деди милиция полковники А. Тошхўжаев. — Шунинг учун ҳам бу воқеа аҳоли ўргасида тез тарқалиб, турли хил мишиш-мишларнинг қўпайишига сабаб бўлиши мумкин эди. Жиноятни фош этиш, жиноятчиларни қўлга олиш ҳар бир ходимнинг дикқат марказида бўлди. Ходимларимиз бир ҳафта туну кун тинимизи ишлашди. Нечоғли оғир бўлмасин, бироннинг ризқига кўз олайтириб, ҳақ-хуқуқига путур етказган ноинсофлар, албатта қонун олдидаги жавоб беришини ҳалқа қўрсатишими зозим эди. Ҳаракатлар зое кетмади. Бетиним изланишлар, тезкор-қидирив ва суриштирув жараёни ўз самарасини берди. Етти кун дегандага жиноятни очик. Талончиларни яширинган жойларидан ушлаб келдик.

Ха, жиноят фош этилди. Гумондорлардан далилий ашё сифатида ниқоблар, таёқлар, жанговар ҳолатдаги Макаров тўпкончаси ва ўқларӣ, ўмарилган пулларнинг бир қисми олинди.

— Биз хонадон эгасида 150 минг АҚШ доллари бор деб эшигтан эдик, — деди босқинчилардан бири. — Лекин бундай бўлиб чиқмади. Жиноятни гуруҳ таркибида хонадон эгалари тинчини бузуб, таҳликаға қўйганимдан афсусдан.

Содир этилган жиноят тўғрисида вилоят ички ишлар бошқармасига ахборот берилгач, бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция полковники Аминжон Тошхўжаев бошчилигида тезкор-тергов гуруҳи тузилиб, жиноятни фош этиш бўйича тадбирлар белгиланди.

Вилоят ИИБ жиноят қидирив ва терроризмга қарши кураш бошқармаси, Тошлоқ тумани ИИБ тезкор ходимлари мазкур жиноятни очиш ва босқинчиларни қўлга олиш учун кекаю кундуз тинимизи саъҳаракат қилдилар. Тошлоқ тумани ва Марғилон шаҳри худудида истиқомат қилаётган, про-

Б. ОМОНЗОДА,
милиция капитани.

милиция идорасига кириб келди.

Афсуски, шунаقا одамлар ҳам учраб туради. Агар у ўз вақтида айбига икрор бўлганида кўпчиликни безовта қилмаган бўларди. Қиласи ишни бир киши қиласи, гумондор эса кўпчилик бўлади. Аммо

диёнатли одамлар кўп. Биз одамларга ишонамиз. Ҳурматли фуқаролар! Содир бўлган жиноят ёхуд уни содир этишга тайёргарлик кўраётганлар ҳақида бизга хабар беринг. Бу билан инсонийлик бурчингизни ўтайсиз, ортиқча оворагарчиликдан инсонларни сақлайсиз. Фаламис жиноятни ҳақида хабар берниб янга қанча кишилар оромини бузувчи, ёвуз ниятили кишиларни аниқлашга кўмак берасиз.

А. ЖЎРАЕВ,
милиция полковники.

... Пайшанбадан

пайшанбагача...

КАЛАВАНИНГ ЧИГАЛИ ЕЧИЛЯПТИ

Газетамизнинг ўтган сонларидан бирида хабар берилган “Наган” тўпкончаси билан қоролланган кимсанинг яна бир қанча “сир”лари очилмоқда: Жумладан, у шу йил 9 февраль куни Д. исмли аёлнинг уйига бостириб киради. Ожизани ўлдириш билан қўрқитиб, оёқ-қўлларини боғлаб, уйдан хорижда ишлаб чиқарилган ауди ва видеомагнитофон, бошқа турли хил буюмларини олиб кетган. 22 апрель куни эса соат 14 дан 30 дақиқа ўтганда Салор Қўрғонида яшовчи 1936 йилда туғилган С. нинг ҳам уйига кириб, жабрланувчининг оёқ-қўлларини боғлаб, уни 195.000 сўмлик ўй-рўзгор буюмларидан маҳрум қилган. Юқоридаги ҳар икки ҳолатда ҳам жабрланувчилар милицияга хабар қилишмаган. Р. С. ўз жиноятни ҳаракатларини давом эттириб ҳамтовоқлари билан 25 апрель куни Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида истиқомат қилувчи пенсионер А. нинг ҳам хонадонига бостириб кириб, эски усулини қўллаган ҳолда 500 АҚШ доллари, 65000 Россия рубли ҳамда 385 минг сўм пулларини олиб кетганларини тан олди.

ГИЁХФУРУШЛАР

ҚИСМАТИ

Сурхондарё вилоятининг Кумкўрон туманида Х. исмли фуқаро бошқарувидаги “Tico” автомашинаси ЙПХ масканида тўхтатиб текширилганда унинг йўловчиси 1957 йилда туғилган шўрчилик М. нинг ёнидан 1 килограммдан ортиқ қорадори олинди.

Олтинсой туманида эса 1961 йилда туғилган Й. ва 1967 йилда туғилган С. лар 400 граммга яқин геронин ва қорадорини 2.742.000 сўмга сотишаётган вақтда қўлга тушиши.

Сарисоё темир йўл бекатида ўтказилган тезкор тадбирлар чоғида Узун туманида яшовчи, 1959 йилда туғилган Э.нинг ёнидан 20 грамм, уйидан эса 200 грамм геронин топилди.

ҚОТИЛ МАШШОК

Наманган шаҳрининг Давлатобод туманидаги қаҳвахона мусиқачиси, муқаддам судланган 21 ёшли М. маҳалатда шу жойнинг иш юритувчиси билан жанжаллашиб қолди. Сўнгра қўлига илинган пол ювгич билан уни уриб ўлдириди.

ВАХШИЙ

Тошкент шаҳар Яkkасарой тумани Салор кўчасидаги ўларнинг биридаги, курилиши битмаган ҳожатхонадан аёл кишининг ва 3—4 ёшли қиз боланинг жасадлари топилган эди. Ушбу ҳолат юзасидан олиб борилган тезкор қидиривлар натижасида ваҳшийликни содир этган шахс ушланди. У Қиброй туманида яшовчи, муқаддам судланган А. бўлиб чиқди.

И. МИНАВАРОВ,
милиция майори.

ҚЎНФИРОҚ ЁРДАМ БЕРДИ

7 апрель куни соат 24.00 ларга яқин Бешарик шаҳрида рўй берган автоҳалокат натижасида 24 ёшли навқирон йигит ҳаётдан кўз юмди. Бу воқеа Бешарик — Конибодом йўлининг паҳта тозалаш заводи дарвозаси рўпарасида рўй берди. Номаълум машина ҳайдовчиси пиёдан машинаси билан уриб, қилган ишини кўра-била турив воқеа жойидан яширинди.

Tуни билан тергов-тезкор гуруҳи ходимлари мижжакоқмай бу жиноятни очиш билан шуғулландилар. Юзлаб ҳайдовчилар безовта қилинди. Йўловчилар, йўл ёқасидаги идоралар қоровуллари сўраб-сuriштирилди. Аммо ёч ким

вақтда тасодифан ўша ерда тўхтаб қолдим. Айборд ҳайдовчи машинасининг олд буферини тўғрилашиб ҳаракат қилаётганди. Машинани четга олиб, ундан:

— Нима бўлди, биродар? — деб сўрадим.

— Эй, кўрмайсизми, одамни уриб юбордим! — жавоб қиласи. У. Шошиб кетаётгандим. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари келиб қолар деб кетаверибман! деб машинанинг давлат рақамини айтиб мушкулимизни осон қиласи.

... Воқеа жойидан яширинган ҳайдовчилар эса автоуловини бошқа жойга яшириб қўйган экан. Биз бу ҳақда матьумот олгач, аввал машинанинг давлат рақамини биламан. Чунки мен айнан воқеа содир бўлган

Воқеий ҳикоя

Чори бува хуфтон намозини ўқиб бўлиб, одатдагидай қўйларидан хабар олди. Кейин дарвоза томон юрди. Шу пайт аллақаердан дир бойўглиниң сайраган овози келди. Бува хира торган кўзлари билан симёочда ўтирган бойўглини топди:

— Жонивор, жўжаларинг ташвишида яна овга чиқдинми? — деди шивирлаб.

Дарвозани тамбаламоқчи бўлиб йўналганди, у

— Йўқ, ўғлим, қуш инсонга фалокат келтирмайди. Инсонлар бошларига ўзлари бало ортириб, бойўглидан кўришади, — деди бува Фофирнинг ортидан.

Фофир нималардир деб гудраниб, уйига кириб келди.

— Ҳа, қўндирдингизми чолни? — қошини чимирди Салима.

— Қўнмаяпти, неварамга қолади, деяпти, — деди Фофир кўлини мушт қилиб.

— Ини қаерда экан? — сўради Фофир.

— Чолнинг пастидаги ҳужрасининг томидан учуб чиқаркан, Сурайёхон айтганди.

Яна бойўглиниң овози эшитилди.

— Эртагаёқ иини бузаман, ўзини бўғиб ўлдирман бу кушни, — деди асабийлашиб Фофир.

... Терговчи Адолат Соиповна Азизни бугун яна бир марта дикқат билан тинглади. Унинг ай-

қўшнимизнидан чиқиб келаётганда кўргандим.

Азизнинг таърифи бўйича аёлнинг фотоботи тайёрланди. Жиноят қидиув хизмати ходимлари тезда шаҳар ва туман профилактика инспекторларига суратни тарқатишди.

Эртасигаёқ аёл топилди.

— Опажон, тўғри тушунинг, сизни айборд деяётганимиз йўқ. Бир ёшгина йигитнинг тақди-

— “Дамас” машинасида қайтдингиз, ёнингизда ёш келин боласи билан ўтирганди, эсингизга тушдими?

Аёл жимиб қолди, юзини беркитиб йиглай бошлади.

— Нега йиглайсиз?

— Синглим, ноилож қолдим, анави Салимадан қарз бўлиб қолгандим қўлимга бир думалоқ қоғоз тутқазди. Шуни айтган машинага кўйсангиз, ҳамма қарзингиздан кечаман, деди.

Туман ИИБ бошлиги терговчини эшитаркан:

— Тезда Салиманинг уйини текшириш керак. Мен прокуратура билан боғланиб, тезкор гурухни жўнатаман, — деди.

Қўқисдан милиция ходимларининг уйни текширишга келганини эшитиб, Салима ўзини йўқотиб қўйди. Гурух бошлиги прокурор берган рухсатномани кўрсатди. Ходимлар тезда ишга киришдилар. Салима нима қиларини билмай сўрида ҳолсизланиб ўтиради. Ҳаёлида “ишилиб кеча эрим олиб келган геронини топиб олишмасин”, деган фикр чарх уради.

— Ўртоқ капитан, ҳожатхонадан мана бу пакет чиқди, ичиди оппоқ кукун бор.

Салима йигитнинг қўлидаги пакетни кўриб, юзтубан ерга ётганча ўкраб йиглаб юборди.


Фофирни эса кечки пайт йўл-патруль хизмати масканида тўхтатишди. Хизмат ити машинадан қоғозга ўраб, сотишига тайёрлаб қўйилган огуларни топди.

... Чори бува невараси билан тушлик қилиб бўлди-да, ҳовли этагидаги ҳужрасига йўл олди. Бу ҳужрани болалигидан билади, кун исиб кетганда салқин бўлди, келиб дам олади. У ҳужрага яқинлашганда оёғи нимагадир теккандай бўлди. Қаради-ю, юраги аллақандай бўлиб кетди. Ерда бойўгли ётарди, ёнида полапонлари ҳам бор.

— Қайси уйинг куйгурниңгиши бўлди, бу қушлар кимга ёмонлик қилибди-а, — деди кўзиша ёш олиб.

Ўша тунда бойўгли сайрамади. Ҳар оқшом ҳовлисида маст-аласт меҳмонларнинг бақириқ-чақириги эшитилиб, алламаҳалгача магнитофон овози тинмайдиган Фофирнинг ҳашаматли уйида чироқлар ўчиқ, бино аллақандай кўрқинчли, ваҳимали тарзда мунгайиб турарди.

С. ШАМСИДДИНОВ.



БОЙЎГЛИ САЙРАМАГАН ТУН

очилиб, қўшни йигит Фофир кириб келди.

— Омонмисиз, бува? — деди қарияга кўл учини узатиб.

— Кел, ўғлим, яхши юрибсанми? — деди қария, — юр сўрига, ҳозир чой дамлайман.

— Чой-пойингиз керак эмас, нимага чиққанини биласиз-ку, — деди Фофир сўри томонга юаркан.

— Яна ўша гап дегин, — деди оғир тин олиб Чори бува. — Айтдим-ку, ҳовлини сотмайман, неварамга қолдирман.

— Неварангиз қамалиб кетяпти, бир ўзингиз қоласиз, агар ҳовлини сотсангиз, пулига уни қамоқдан олиб қолиш мумкин.

— Азизонда айб йўқ, ҳукумат адолат қиласи. Кечга терговчи билан гаплашдим, ҳақиқат ойдинлашади.

Фофир қарияни қўнди-ролмаслигига кўзи етиб, унга яна бир нималар деб, эшикка йўналди.

Сукунатни бойўглиниң “қаҳ-қаҳ” и бузди. Фофир бир чўчиб тушди ва бувага қараб:

— Бу қушни йўқотиши керак, — деди.

— Оллоҳнинг яратган қуши-ку, — деди бува бойўгли томонга қараб. — Нега энди уни йўқотишим керак?!

— Фалокат келтиради, — деди Фофир. — Бехосият қуш.

— Йўқ ўғлим, қуш инсонга фалокат келтирмайди. Инсонлар бошларига ўзлари бало ортириб, бойўглидан кўришади, — деди

бува Фофирнинг ортидан.

Сукунатни бойўглиниң “қаҳ-қаҳ” и бузди. Фофир бир чўчиб тушди ва бувага қараб:

— Бу қушни йўқотиши керак, — деди.

— Оллоҳнинг яратган қуши-ку, — деди бува бойўгли томонга қараб. — Нега энди уни йўқотишим керак?!

— Фалокат келтиради, — деди Фофир. — Бехосият қуш.

— Йўқ ўғлим, қуш инсонга фалокат келтирмайди. Инсонлар бошларига ўзлари бало ортириб, бойўглидан кўришади, — деди бува Фофирнинг ортидан.

оғзим очилиб қолди, нақ сарой дейсиз, — деди гап бошлади Салима.

— Мен усталарни гаплашиб қўйганиман, агар чолнинг уйини қўлга киритсан, эртасигаёқ олиб келаман. Ҳудди ўша кинодагидек қилиб қуради, — деди Фофир ҳузур билан чой ҳўплаб.

Ташқаридан бойўглиниң “қаҳ-қаҳи” эшитилди.

— Отинг ўчкурниң овозини хунуклигини қаранг. Қаёққа қараб сайраса, ўша уйга бало ёғаркан, — деди Салима.

— Атрофимдаги дўстларимдан бироргаси ҳам нашаванд эмас. Бу балони қаердан келиб қолганини билмайман, — деди Азиз.

— Ўша куни машинага кимлар ўтирганини яна бир эслаб кўринг, — деди терговчи.

— Мижозларнинг ҳаммасини яхши биламан. Бегоналардан бир ўрта ёшли аёл невараси билан чиқди.

— Илгари ҳеч кўрганинг уни?

— Менимча маҳалла мизда кўрганман. Э, бўлди, эсимга тушди,

ри ҳал бўляпти, шунга чақирдик сизни, — деди Адолат Соиповна ҳаяжонланиб, кўз ёш қилаётган аёлга.

— Атрофимдаги дўстларимдан бироргаси ҳам нашаванд эмас. Бу балони қаердан келиб қолганини билмайман, — деди Азиз.

— Ўшан шанба куни Еттиқўрон қишлоғига борганимидингиз?

— Аёлнинг ранги ўчи, лекин билинтириласлик учун:

— Ҳа, узоқ қариндошмай яшайди, — деди.

— Бир ўзингиз бордингизми?

— Ҳа... э йўқ, невараси эргашганди.

— Шаҳарга қандай машинада қайтдингиз?

— Аёл энди росмана эсанкиради:

— Эсимда йўқ, кичкина машина эди.

— “Дамас” машинасида қайтдингиз, ёнингизда ёш келин боласи билан ўтирганди, эсингизга тушдими?

— Аёл жимиб қолди, юзини беркитиб йиглай бошлади.

— Нега йиглайсиз?

— Синглим, ноилож қолдим, анави Салимадан қарз бўлиб қолгандим қўлимга бир думалоқ қоғоз тутқазди. Шуни айтган машинага кўйсангиз, ҳамма қарзингиздан кечаман, деди.

Туман ИИБ бошлиги терговчини эшитаркан:

ҲАДИСИ ШАРИФЛАР

Ораларингда салом бериши кенг тарқатинглар, бир-бирларингга муҳаббатларинг зиёда бўлади.

Мўъминларнинг ағзали хулиқ яхшироғидир.

Ҳамма лаззатларни қирқиб ташловчи ўлимни кўп эшқ қилинглар, чунки ўлимни кимки торлиқда эсласа Оллоҳ уни кенгайтиради, кимки кенгликда эсласа топайтиради (яни кеккаймасликка сабаб бўлади).

Акримул хубза — нонни хурматланглар.

Лабатта, Ҳақ таоло ўзи яхшидур — яхшини яхши кўради, ўзи покизадур — покликни яхши кўради. Ўзи олийхимматдур — олийхимматликни яхши кўради.

Оллоҳ таоло сизларнинг молларингизга ва суратларингизга қармайди, лекин дилларингизга қаралган ишларингизга қарайди.

Сўзида туриш, аҳдида вафо қилиш иймонданур.

Мўъминларнинг молини ноҳақ истеъмол қилган кишилар қиёмат кунида дўзахга тушурлар.

Киёмат кунида одамларнинг энг паст даражалиси дунёда одамлар ушин ёмонлигидан қўрқан кишидур.

Албатта, сиз одамларнинг ҳаммасига молларингизни еткиза олмайсиз, лекин уларга очиқ чехра ва хушулигингизни еткиза олазиз.

Мен сизларга иккитаифнинг ҳаққини ҳаром қиласман: етим ва хотининг ҳаққини.

Ҳар нарсани кўп ичганда кайф берса, мен сизни унинг озгинасидан ҳам нахи қиласман (маън қиласман). Кишига кайф берадиган нарсанинг озгинаси ҳам ҳаром.

Сизларга қўшила-

рингизга яхшилик қилишини буораман.

БУ БРАЗИЛИЯ! БУ РОНАЛДО!..

Футбол бўйича 17-Жаҳон чемпионати ниҳоясига етди.


Аввало, Бразилия терма жамоаси мухлисларини Жаҳон кубоги баҳсларида ажойиб ғалаба билан чин дилдан қутлайман. Ҳа, улар ўзлари меҳр қўйиб ардоклаган, ҳар бир ўйинини илҳақ бўлиб кутган жамоаларидан ҳакли равишда фаҳрлансалар арзиди. Зеро, бразилиялик чарм тўп усталари чемпионатдаги етти учрашувнинг барчасида голиб чиқиб, бешинчи бор жаҳон чемпиони деган номни қўлга киритиши ва "Олтин маъбуда" соҳиби бўлдилар.

Tан олиш керак, кўпчилик мухлисларимиз учун шу пайтгача Жаҳон чемпионати баҳсларини ойнаи жаҳон орқали бу йилгидек мукаммал, тўла-тўкис кўриш насиб этмаган эди. Ўзбекистон телерадиокомпанияси раҳбарлари, Ёшлар телеканали ижодкорларида раҳмат, мусобақаларни тўғридан-тўғри намойиш этиш учун бор имкониятларни ишга солишиди. Қисқаси, бир ой мобайнида бир-биридан қизиқарли, комбинацияларга бой ўйинларни томоша қилиб, хумордан чиқдик.

Дилдагар қувонч бағишибаб, байрамона кайфиятда ўтган июнь ойи бутун дунё футбол ишқибозлари хотирасида узоқ вақт сақланиб қолиши табиий. Аввал айтиб ўтганимиздек, шу дамларда миллионлар нигоҳи Жанубий Корея ва Япония мамлакатлари яшил майдонларига қаратилди. Одатдагидек, бу йилги Жаҳон чемпионати ҳам кутилмаган натижалар ва воқеаларга бой бўлди, десам хато қилмайман. Беллашувлар бошланишидан олдин аксарият мутахассислар олтин медалларга Бразилия, Аргентина, Англия ва Франция терма жамоалари даъвогарлик қиласи, дейишгани ёдимда. Бироқ уларнинг бу башорати ўзини оқламади. Фақат Бразилиягина финалга йўлланма олгани, аввали жаҳон чемпиони Франциянинг Сенегалга, уч карра чемпион Италиянинг эса Жанубий Кореяга ютказиб қўйгани, ярим финалда Туркия ва Жанубий Корея футbolchilari учрашгани XXI аср футболи олдинги асрдагидан мутлақо фарқ қилиши, янги-янги юлдузлар етишиб чиқаётганини кўрсатди.

Мухлислар кўпроқ ўз кўтарила олмаган бўлсларда, ёрқин, эсада қоладиган футбол спектакллари намойиш этишиди.

Уч карра жаҳон чемпионлар. Бу йилги чемпионати




да майдон эгалари — Жанубий Корея ва Япония, шунингдек саралаш баҳсларида етакчилик қилган Хитой ва Саудия Арабистони футbolchilariidan умидимиз катта эди. Лекин гурухлардаги учрашувларда арабларнинг Германия терма жамоасига — 0:8, Камерунга — 0:1, Ирландияга — 0:3, Хитой терма жамоаси эса Коста-Рикага — 0:2, Бразилияга — 0:4, Туркияга — 0:3 ҳисобида ютқазиб қўйишгани умидимизни пучга чиқарди. Улар ўз Ватанлariга ракиб дарвозасига бирорта тўп киритмай қайтиб кетдилар. Баҳсларга пухта тайёргарлик кўрган кореяликлар ва японияликларгина жаҳон футболи юлдузларига муносиб рақиб эканликларини исботлашиди.

Чемпионат давомида 64 та учрашув бўлиб ўтди. Футбол мухлисларида Сенегал, Ирландия, Япония, Англия, Нигерия, Швеция, Мексика каби терма жамоалари вакиллари кўрсатган ўзига хос ўйинлар катта таассурот қолдирди. Гарчи, улар шоҳсупанинг юқори погонасига

йиллик танаффусдан сўнг қайта шаклланганини таъкидлашни истардим. Жамоа гуруҳ баҳсларида яхши натижага эришиб, ним чорак финалда гала-бани кўлга киритганда ёк “немис машинаси” яна ишга тушганини ҳис қилдик. Янги бosh мураббий Руди Фёллер деярли янгиланган жамоани жисп-лаштириб, кўзланган мақсад сари йўналтира олди. Шу боис ҳам унинг шогирдлари немисларга хос ҳисоя ва қарши ҳужум усулини кўллаб, финалга етиб келишиди. Бунда Миррослав Клозенинг боши билан рақиб дарвозасига яна иккита тўп кириди. Ҳисоб — 3:1. Таъкидлаш жоизки, бу гал кореяликлар ҳисояси аввалги учрашувларга қарагандан анча заиф эканлиги сезилиб турди. Ли Чун Со, Ан Жун Хван ва бошқа иқтидорли ўйинчилар ҳар қанча уринишасин ҳужумлар самара бермасди. Ниҳоят, 92-дақиқада Сон Чан Гуг ҳисобни қисқартиришга муваффақ бўлди.

Германия ва Бразилия вакиллари ўртасидаги финал баҳси ҳам кутилганидек қизиқарли кечди. Диққатта молик томони, иккита жамоа биргаликда еттига жаҳон чемпионатида қатнашган бўлса-да, бирор марта ўзаро учрашмаган



эдилар. Учрашувнинг дастлабки 10—15 дақиқасида немислар ҳисоя билан қониқмаслигини кўрсатишиди. Улар биринчи бўлим давомида Маркос дарвозасини бир неча марта ишғол қилишга уриниб кўришиди. Биринчи бўлим тугасига 15 дақиқа қолганда Клеберсон Оливер Кан дарвозасини узоқ масофадан нишонга олди, аммо ноаниқ, 44-дақиқада бразилияликларнинг чиройли ва тезкор комбинациясидан сўнг Клеберсон тепган тўп дарвоза устунига тегиб қайтди. Бундай имкониятлар кўплаб бўлди.

Ниҳоят, иккича бўлимда бразилияликлар эҳтиёткорлик билан тўп суроётган немисларнинг ҳисоя чизигини ёриб ўтдилар. Чемпионат давомида бор-йўғи битта тўп ўтказиб юборган Оливер Кан дарвозаси бу сафар иккита марта ишғол қилинди. Аввалги учрашувда қатнашмаган Рональдиньонинг яна майдонга тушиши Роналдо, Ривальдо, Рональдиньо ва Санто Карлосдан иборат “квартет”ни жамлади ва ўйинни жонлантириб юборди.

Роналдо... Иккита марта жаҳоннинг энг кучли ўйинчиси, деб эътироф этилган бу футbolchining маҳоратига тан бермай иложимиз йўқ. Айнан у рақиб дарвозасига иккита тўп ўйлаб, ўз жамоасини маррага яқинлаштириди. Бундан кувончга тушган Бразилия терма жамоаси мухлислари “Бу — Бразилия! Бу — Роналдо!” деб бир-бирларини ғалаба билан муборакбод этишарди. Ҳа, Бразилия яна бор жаҳон Кубогининг соҳиби бўлди. Роналдо чемпионат давомида 8 та гол киритиб, тўпуарларнинг олдинги сағига чиқиб олди.

Футбол бўйича 17-Жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. Яна тўрт йилдан сўнг Германияда ўтадиган навбатдаги баҳсларда кўришгунча катта футболь билан хайрлашиб қоламиз.

Сайдулла ШОДИЕВ.

OZBEKISTON
RESPUBLIKASI IIIV
BIRLASHGAN
TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosh muharrir
Shuhrat
MURODOV

Bosh muharrir
o'rinosari v.b.
Murod TILLAYEV

Mas'ul kotib
B. AZIMOV
Navbatchi:
B. TOSHEV
Musahihilar:
M. AKRAMOVA
G. XOLIQOVA

Sahifalovchi:
A. MIRZAMUHAMEDOV

TELEFONLAR:
Bosh muharrir
o'rinosari 139-75-69,
Mas'ul kotib 139-73-88,
muxbirlar
bo'limi 139-75-69,
Buxgalter 139-75-37,
Faks 54-37-91,

Gazeta tarqatish masalalari
bo'yicha murojaat uchun
faks: 54-37-91
Tel.: 59-23-08

E-mail:
urmvd@globalnet.uz

Bizning hisob
raqamlarimiz
O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki
Toshkent viloyati
Bosh boshqarmasi.
hisob raqami:
21596000500447980001,
MFO 00025.

ABN AMRO Bank MB
O'zbekiston A.J.
20210000300447980002
MFO 00831,
i/r 5033853
INN 200637499

• Ko'chirib bosishda
«Postda»dan ekanligini
ko'rsatish shart
• Muallifning mulohazasi
tahririyat fikriga mos
tushmasligi mumkin.
• Qo'lyozmalar tahlil
qilinmaydi va
qaytarilmaydi.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi Davlat matbuot
qo'mitasida 00007 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Buyurtma Г — 645.
Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish
vaqt — 19.00.
Bosishga
topshirildi — 19.00.

Obuna raqami — 180

Umumiy tiragi 39.113 nusxa.

«SHARQ»
nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi
41-uy.
1, 2, 3, 4, 5, 6.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Янгиобод шаҳар ИИБ бошлиги, милиция майори А. Абдураҳмоновга волидан муҳтарамаси

САНОБАР аяннинг
вафот этганлиги муносабати билан чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ШТБМИ катта инспектори, милиция капитани У. Матниёзовга волидан муҳтарамаси

ШАРИФА аяннинг
вафот этганлиги муносабати билан чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти Оҳангарон тумани ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби профилактика катта инспектори, милиция майори Асқарали ЎРАЗИМБЕТОВнинг бевакф вафот этганлиги муносабати билан мархумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукур ҳамдардлик билдирадилар.